



42  
(1360) – son  
19-oktabr  
2018

# Xabar

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN  
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSSEN SEN

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

## УШБУ СОНДА:

### ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ:

Кўп қиррали ҳамкор-  
ликнинг янги босқичи  
2-бет

### ЛОЙИХАЛАР

АКТни ривожлантириш  
жамғармаси қандай  
лойиҳаларни  
молиялаштиради? 4-бет

### ИНТЕРНЕТ

В конце года 62% всех  
сайтов в интернете  
лишатся обновлений  
безопасности 6-бет

### ГАЛАБАГА УНДОВЧИ КИТОБ

Бахтни ҳис қилиш  
амаллари 7-бет

### КИБЕРХАВФСИЗЛИК:

Хакерларни доғда  
қолдирувчи 12 усул  
11-бет

### ЭХТИЁТ БЎЛИНГ!

Androidда янги хавфли  
вирус пайдо бўлди 12-бет

### МУТОЛАА

Губернаторликка  
сайловлар 14-бет

ЎЗБЕКИСТОНДА  
2017 ЙИЛИ  
АХБОРОТ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
СОҲАСИДА



**7,9 трлн.  
сўмлик  
хизматлар  
кўрсатилди.  
Экспорт ҳажми  
135,6 млн.  
доллар  
Хизматлар  
экспорти  
6,7 млн. доллар.**



## Рақамли трансформация —

## ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ УЧУН ЯНГИ ВОҚЕЛИК

Тошкентдаги “Ўзэкспомарказ” кўргазмалар мажмуида 18-20 октябр кунлари Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги худудлараро ҳамкорлик бўйича I форум бўлиб ўтмоқда. Кеча, 18 октябр куни мазкур форумнинг биринчи иш куни якунланди. Форум доирасида турли шўъбаларда долзарб

мавзуларда йиғилишлар бўлиб ўтди. Жумладан, “Рақамли трансформация — Ўзбекистон ва Россия учун янги воқелик” деб номланган сессия рақамли бошқарув, иқтисодиётнинг турли жабҳаларида космик технологияларни қўллаш, ахборот хавфсизлиги сингари мавзуларни қамраб олди.

3-бет ▶

### ▶ СЎРОВНОМА

## ҲАЁТИНГИЗДА “ХАВАР”НИНГ ЎРНИ ҚАНДАЙ?

“Инсон, аввало бахт-саодат нималигини англамоғи ва унга эришмоқни ўзига юксак гоё ва мақсад қилиб қўймоғи, унга элтадиган иш-амал ва воситаларни билмоғи, охир-оқибатда иш ижросига киришмоғи лозим” — Абу Наср Форобийнинг бу даъватини чуқур тушуниб этган киши учун китобларнинг, даврий нашрларнинг, жумладан, “Хабар” газетасининг ҳам тутган ўрни қанчалар улкан ва муҳим эканлиги аён ҳақиқатдир ва уни таърифлаб-таъсифлаб ўтиришга ҳам ҳожат йўқ.

Газетани касбий ишларининг бир қисми деб қўниқиб кетган, ҳар ҳафта мутуолаасини таомланиш-



дек, нафас олишдек зарур деб билган тажрибали алоқачилар кўпчиликини ташкил этиши биз журналистларни қанчалар қувонтиради. Бинобарин, газета таҳлилий материалларни кенгроқ очиб бериши ва бошқа кўпгина жиҳатлари билан фарқланади. Фаолиятини азиз ва муқаддас Ватанимиз келажагини яратишга йўналтирганини ҳар саҳи-

фада кўра оласиз. Демак, катталарга газета қанчалар аҳамиятли бўлса, ёшларга ундан-да аҳамиятлироқдир. Ўзининг бахту саодатини кураётган ёш алоқачилар учун газета ҳар кунги сабоқдек гап, ўғит, йўл-йўриқ, насиҳатдек қимматли. Бу ҳақда газетхонларнинг ўзлари нима дейишаркин?


### INNOWEEK ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ҲАФТАЛИГИ ЎТҚАЗИЛАДИ

Ўзбекистон инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан 22-26 октябр кунлари “Ўзэкспомарказ” кўргазмалар мажмуида чет эл илмий-инновацион марказлари, инвестицион жамғармалари, технологик агентликлари, технопаркларнинг фаол иштирокчида InnoWeek инновацион ғоялар ҳафталиги ташкил этилади.

Тадбирда Австрия, Буюк Британия, Голландия, Италия, Исронл, Россия, Туркия, Эстония, Эрон, Қозоғистон, АҚШ каби давлатлардан йирик олимлар, тадбиркорлар, компания бошқарувчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этадилар.

Инновацион ҳафталик доирасида Халқаро инновацион кўргазма ҳамда Халқаро инновациялар ва инвестициялар форуми ўтказилади.

5-бет ▶



# ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ: КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 октябр куни мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Россия ҳукуматлараро комиссиясининг Россия томонидан раиси ўринбосари, Россия Федерацияси иқтисодий ривожланиш вазири Максим Орешкинни қабул қилди.

15 октябр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркманiston Президенти Гурбангули Берdimухамедов билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари Туркманiston Президентини оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси учун Осие-Тинч океани телерадиоэшиштирувчилар уюшмаси мукофоти соҳиби бўлгани билан самимий табриқлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 октябр куни кимё sanoatini жадал ривожлантириш, тармоққа хорижий инвестиция ва замонавий технологияларни жалб қилиш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди. Унда мутасаддиларга белгиланган барча вазифалар бўйича "Йўл харитаси" ишлаб чиқиш ва унинг ижросини мунтазам муҳокама қилиб бориш топширилди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган "Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги фармони ҳамда "Ўзбекистон Республикасида тез тиббий ёрдам хизматини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва "Мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Инновация ривожланиш, ахборот саноати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси ташаббуси билан Жиззах политехника институти "Автомобил йўллари" кафедраси компютерларига Autodesk корпорациясининг универсал лойиҳалаш дастури ўрнатилди.

Жорий йил 18 октябр куни "Россия-Ўзбекистон" таълим форуми доирасида Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ва Россиянинг А.С.Пушкин номидаги Ленинград Давлат университети ўртасида ўзаро келишув шартномаси имзоланди. Мазкур ҳамкорлик шартномасида иккала олий ўқув юрти ўртасида кадрлар алмашинуви, университетнинг филиали, қўшма факультетлар ташкил этилиши ва илмий ишлар бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш кўзда тутилган.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан жорий йил 18 октябр куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.**

**Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги савдо айланмаси 2017 йилда 3,65 миллиард долларни, ўсиш суръати эса 2018 йилнинг 8 ойи мобайнида ўтган йилнинг мос давридаги кўрсаткичга нисбатан 30,3 фоизни ташкил этди. Шу билан бирга, Россиядан Ўзбекистонга импорт ҳажми 40 фоизга, Ўзбекистондан Россияга экспорт 8,6 фоизга ортган.**

## Стратегик шериклик

Ташриф доирасида бугун, 19 октябр куни давлат раҳбарлари мунтазамлик касб этган сиёсий мулоқотнинг давоми сифатида, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик ҳолати юзасидан фикр алмашдилар.

Стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтириш, турли соҳаларда янги қўшма лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш истиқболлари муҳокама қилинади.

Шунингдек, ташриф кун тартибидан долзарб халқаро масалалар, жумладан, минтақада барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш жараёнига қўмаклашиш масалалари ҳам ўрин олган.

Олий даражадаги музокаралар якунида куйидаги:

■ Давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти;

■ 2019-2024 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик дастури;

■ 2019-2021 йилларда маданий-гуманитар соҳада ҳамкорлик дастури;

■ Ўзбекистонда Россиянинг етакчи олий таълим муассасаларининг филиалларини ташкил этиш ва фаолиятини таъминлаш тўғрисидаги келишув;

■ "Суффа" халқаро радиоастрономик обсерваториясини ташкил этиш бўйича "Йўл харитаси" ва бошқа муҳим икки томонлама ҳужжатларни имзолаш режалаштирилган.

## Ўзбекистон – Россия I ҳудудлараро ҳамкорлик форуми

"Ўзэкспомарказ"да 18-20 октябр кунлари Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги ҳудудлараро ҳамкорлик I форуми бўлиб ўтмоқда.

Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да форумнинг расмий очилиши ташкил этилди. Тадбирда 600 нафардан зиёд мутахассислар иштирок этишди.

Форум доирасида турли шўъбаларда йиғилиш ва амалий семинарлар, жумладан, "Россия-Ўзбекистон: ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш" бизнес нонуштаси, "Агроекономика комплекси: ҳамкорликни ривожлантириш нуқталари" мавзуда амалий семинар, Россия компаниялари саноати бўйича тақдиротлари: энергетика ва муҳандислик, транспорт ва ахборот технологиялари, Россия ва Ўзбекистон ишбилармон доиралари вакилларининг ҳамкорлик битимлари ва Ўзбекистон-Россия: чегарадош тўқимачилик соҳасидаги ҳамкорлик бўйича йиғилишлар ўтказилди.

## Ўзбекистон ва Россия 20 миллиард долларлик шартномалар имзолайди

"Йирик шартномалар тўплами ва сармоявий лойиҳаларга доир келишувлар имзоланиб режалаштирилган. Уларнинг умумий қиймати 20 миллиард долларга яқин", — деди Ўзбекистон иқтисодиёт вазири Ўзбекистон – Россия ҳудудлараро форумида.

Шунингдек, иқтисодиёт вазири сўзларига кўра, музокаралар якунида 2019 – 2024 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон ва Россия иқтисодий ҳамкорлик дастури ҳам имзоланади.

## Ўзбекистон – Россия таълим форуми

Ўзбекистон – Россия таълим форуми ишида икки мамлакат президентлари администрациялари, ҳукумат раҳбарлари, Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазири ва Россия Федерациясининг таълим ва фан вазири ҳамда Россиянинг 80дан зиёд нуфузли олий таълим муассасалари ректорлари қатнашди.

Унда Ўзбекистон ва Россия олий таълим муассасалари ректорлари ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш баробарида тўғридан-тўғри ва очик мулоқотда муҳокама ўтказилди.

Халқаро форум доирасида Россиянинг нуфузли олий таълим муассасалари ва республикамизда олий таълим муассасалари ўртасида малакали мутахассисларни ҳамкорликда тайёрлаш мақсадида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича 100дан ортиқ шартномалар имзоланди.

Шу орқали юртимизда Россиянинг нуфузли олий таълим муассасалари филиалларини ташкил этиш, икки давлат олий таълим муассасалари ўртасида академик тайёргарлик, қўшма таълим дастурларини амалга ошириш, талабаларнинг илмий ва инновацион форумларини ўтказиш, биргаликда илмий талқиқотлар ва бошқа тадбирларни олиб бориш борасида муҳим келишувларга эришилди.

## 2018-2019 йилларда 101та лойиҳа амалга оширилади

Ўзбекистон – Россия ишбилармонлар кенгаши мажлисида россиялик ишбилармонлар ҳамкорлигида мамлакатимизда ишлаб чиқариш ва транспорт-коммуникация инфратузилмасини модернизациялаш, молия институтлари билан инвестициявий лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.


Тадбир доирасида Ўзбекистон Республикаси инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Суннатилла Бекенов Ўзбекистон – Россия ҳамкорлигида рўёбга чиқарилаётган ва ишга туширилиши кутилаётган инвестициявий лойиҳалар ҳақида маълумотлар берди.

— Россия мисолида олинган бўлсак, 2017 йилда ҳамкорликда 10та йирик лойиҳа ишлаб чиқрилиб, амалиётга муваффақиятли жорий этилди. Ҳозирги кунда биргина темир йўл саноатида умумий қиймати 378,3 миллион доллар миқдоридagi лойиҳаларни татбиқ этиш ишлари давом этмоқда. 2018-2019 йилларда яна 101та лойиҳани мамлакатимизда ишга тушириш бўйича аниқ режаларга эгамиз, — деди С.Бекенов.



# РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ — ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ УЧУН ЯНГИ ВОҚЕЛИК

◀ 1-бет.



**“Рақамли технологиялар давлат фаолиятининг барча тармоқларига кириб келди ва исталган давлатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ривож ва рақобатбардошлиги ахборот технологияларидан самарали фойдаланишига боғлиқ.”**

Ўзбекистон ва Россия ҳамкорлигини янада ривожлантиришда рақамли технологияларнинг афзалликлари кенг муҳокама қилинди. Хусусан, ушбу мавзуларда россиялик мутахассислар — Марат Атнашев, Муса Чилиев, Анатолий Красников, Андрей Помешкин, ўзбекистонлик мутахассислар — Олим Умаров, Азамат Кароматов, Дониёр Отажонов ва бошқаларнинг чиқишлари иштирокчилар ўртасида кенг муҳокама қилинган.

Жумладан, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бош бошқармаси бошлиги Азамат Кароматов йил охиригача ин-

тернет тармоғига уланиш тезлигини 10 баробарга ошириш бўйича кенг қамровли лойиҳа яқунланиш арафасида эканини маълум қилди. Лойиҳа амалга оширилгач, халқаро интернет-каналнинг ўтказувчанлик имконияти ўн баробарга ошиши таъминланади.

Ҳозирда Россия Федерацияси билан ахборот-коммуникация соҳасидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишларидан бири телекоммуникация, почта алоқаси, шунингдек, АКТ соҳасидаги кадрларни тайёрлаш йўналишларида амалга оширилмоқда. Хусусан, телекоммуникация соҳасида “Ўзбектелеком” АҚ узоқ муддат давомида Россиянинг “Ростелеком”, “Вымпел-Ком”, “ММТ”, “Мегафон”, “Компания ТТК” ва “Миятел” каби йирик компаниялари билан ҳамкорлик қилиб келади.

Почта алоқаси соҳасида “Ўзбекистон почтаси” АЖ “Почта России” федерал давлат унитар ташкилоти билан ҳамкорлик қилади.

Алоқа ва ахборот технологиялари соҳасидаги кадрларни тайёрлашда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари универ-

ситети М.А.Бонч-Бруевич номидаги Санкт-Петербург давлат телекоммуникациялар университети ва Москва алоқа ва информатика техника университети билан ҳамкорликни йўлга қўйган.

Рақамли технологиялар таъсири натижасида дунё жалад ўзгариб бормоқда. Рақамли технологиялар давлат фаолиятининг барча тармоқларига кириб келди ва исталган давлатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ривож ва рақобатбардошлиги ахборот технологияларидан самарали фойдаланишга боғлиқ. Айнан замонавий рақамли технологияларнинг жалад ривожланиши ва бунинг учун барча зарур шароитларнинг яратилиши давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

2017 йил яқунларига қўра, республикада ахборот технологиялари соҳасидаги хизмат кўра-тиш ҳажми 7,9 трлн. сўмни ташкил этди, экспорт ҳажми эса 135,6 млн. доллардан ошди. Дастурий таъминот ишлаб чиқарувчи компаниялар сони 1473тани ташкил этди (янги ташкил этилган компаниялар сони 80та, яратилган янги иш ўринлари 617та), компютерни дастурлаш

хизмати ҳажми эса 436,6 млрд. сўмни (усиш 114,3 фоиз) ташкил этди. Хизмат экспорти — 6,7 млн. доллар (148,9 фоиз).

Иқтисодиётнинг реал секторига ахборот-коммуникация технологиялари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш бўйича 72та лойиҳа амалга оширилди. Бу эса бошқарув самараси ортишига, ишлаб чиқаришдаги кечикишларнинг камайишига, ички ва ташқи бозорда маҳсулотлар рақобатбардошлигининг ошишига хизмат қилди.

Сессия доирасида қуйидаги масалалар ҳам кенг муҳокама қилинди:

- рақамли иқтисодиётнинг имкониятлари ва истиқболдаги ривожланиш потенциали;
- иқтисодиётнинг турли тармоқларида замонавий космик технологияларни қўллаш;
- давлат бошқаруви тизимини рақамлаштириш;
- миллий интернет ахборот манбаларини ривожлантириш;
- рақамли иқтисодиёт соҳасида мутахассислар тайёрлашнинг халқаро тизими.


Анжуман иштирокчилари рақамли иқтисодиёт, АКТ-мутахассисларни тайёрлаш, технопаркларни ривожлантириш, жамоатчилик билан алоқалар бўйича мутахассисларнинг маълумоти ривожлантириш ва телеузастиш соҳаларида ўзаро алоқаларни давом эттириш борасида ақдл қилди.

Қатнашчилар Ўзбекистон томонига конференциянинг юқори даражада ташкил этилгани ва урчушларни мунтазам ўтказиб бориш ташаббуси учун миннатдорлик билдирди.

Абдугани АБДУРАҲМОНОВ

ТАҚДИМОТ

## ОЛМАЛИҚДА “МИСиС” ФИЛИАЛИ ОЧИЛДИ



Олмалик шаҳрида Россиянинг Миллий технологик тадқиқотлар университети “МИСиС” филиалининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Россия фан ва олий таълим вазири Михаил Котюков, Ўзбекистон олий ва ўрта-маҳус таълим вазири Иномжон Мажидов,

“МИСиС” ректори Алевтина Черникова ва бошқалар иштирок этди.

“Муассасамизда назариёт ва амалиёт уйғунлигига жуда катта эътибор қаратилади. Ўқув жараёнига амалиётчи мутахассисларни ҳам жалб қилаемиз. Ушбу филиал республикада муҳим ўринга эга

олий таълим муассасаси бўлади”, — деди филиал директори Фарҳодбек Умаров.

“МИСиС” ректори Алевтина Черникова ушбу филиал талабалари бакалаврият ва магистратура босқичларини Россияда давом эттириш имконига эга бўлишларини таъкидлади.

“Шунингдек, Москва орқали онлайн тартибда дарс машғулотлари ҳам ўтказилади. Мазкур университетни битирган талабалар IELTS серфикатига эга бўлади”, — қайд этди ректор.

Эслатиб ўтамиз, филиал Президентнинг 2018 йил 11 майдаги “Миллий технологик тадқиқотлар университети “МИСиС”нинг Олмалик шаҳридаги филиали фаолиятини

ташкил этиш тўғрисида”ги қарори билан ташкил этилган.

“МИСиС” филиалига Навоий давлат кончилиги институтининг Олмалик шаҳрида жойлашган биноси ва Олмалик sanoat касб-ҳунар коллежининг биноси текин фойдаланиш учун берилган.

2018/2019 ўқув йилида филиал учун ажратилган квота миқдори 150 кишини ташкил қилади. Филиалда ўқитиш Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартлари талабларини эътиборга олган ҳолда “МИСиС” МТТУ томонидан тасдиқланган ўқув режалар ва дастурлар бўйича амалга оширилади.

Хушда ҲУСЕНОВА

# АКТни РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ ҚАНДАЙ ЛОЙИХАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРАДИ?

**Ҳукумат ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича устувор лойиҳаларнинг ҳудудий манзилли рўйхатларини шакллантириш ва молиялаштириш тартибини тасдиқлади.**



**“Бу — муҳим! Рўйхатга киритилган барча лойиҳалар фақат битта молиялаштириш манбаи (Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси)га эга бўлиши мумкин.”**

Мамлакатимизда ҳар йили Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан молиялаштириладиган АКТни жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича устувор лойиҳаларнинг рўйхатлари тузилади.

Лойиҳани устувор лойиҳаларнинг манзилли рўйхатига киритишни ташаббускорлар кўриб чиқиши учун уни 15 сентябргача ишчи органи (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ҳудудий бошқармаси)га тақдим этишлари керак. Манзилли рўйхатлар 1 ноябрдан кечиктирмасдан АКТни ривожлантириш бўйича ҳудудий кенгашлар қарорлари билан тасдиқланади. Ҳудудий кенгашларнинг қарорлари Жамғарма томонидан лойиҳаларни белгиланган тартибда молиялаштириш учун асос ҳисобланади.

Бу — муҳим! Рўйхатга киритилган барча лойиҳалар фақат битта молиялаштириш манбаи (Ахборот-коммуникация технологияларини ривожланти-

риш жамғармаси)га эга бўлиши мумкин.

**Қандай лойиҳалар рўйхатга киритилиши лозим?**

Устувор лойиҳаларнинг манзилли рўйхатига қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалар киритилади:

- телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш, аҳолининг сифатли мобил алоқа ҳамда интернет тармоғидан кенг поласали фойдаланишини таъминлаш;

- соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, таълим, коммунал хизмат кўрсатиш, туризм соҳаларида замонавий ахборот тизимларини, дастурий маҳсулотлар ва маълумотлар базаларини жорий қилиш, шунингдек, “ақли” ва “хавфсиз” шаҳарлар ва ҳудудларини ташкил қилиш;

- давлат-хусусий шериклиги асосида инновацион лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, экспортга йўналтирилган дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини қўллаб-қувватлаш;

- жойларда, айниқса, олис жойларда электрон давлат хизматларини тақдим этиш тизимини янада кенгайтириш, шунингдек, замонавий ахборот-коммуникацияларини қўллаш соҳасида аҳоли саводхонлигини ошириш;

- почта алоқаси соҳасини ва почта алоқаси миллий оператори бўлган “Ўзбекистон почтаси” АЖ фаолиятини такомиллаштириш.

**Лойиҳани рўйхатга киритиш учун нима зарур?**

Лойиҳани рўйхатга киритиш учун юридик шахс — ташаббускорнинг раҳбари томонидан имзоланган ва муҳри билан тасдиқланган лойиҳа паспортини ишчи органга тақдим этиш зарур. Лойиҳа паспорти:

- лойиҳанинг мақсади ва вазифалари;
- техник хусусиятини;
- эришиладиган натижалар;

- ташкилий талбирлар қўлами ва самардорлигини баҳолашни;

- лойиҳани амалга ошириш учун зарур маблағларга бўлган эҳтиёж ва маблағ ҳажминини ўз ичига олади.

**Лойиҳани молиялаштириш қандай амалга оширилади?**

Рўйхатдаги лойиҳалар тегишли ҳудудда мобил алоқа хизматларини кўрсатадиган юридик шахслар томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўловдан тушадиган сумманинг 5 фоизигача бўлган миқдорда Жамғарма маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Марказлаштирилган ҳолда ишлаб чиқариладиган ва Президент ҳамда Ҳукуматнинг тегишли қарорлари доирасида масъул вазирлик ва идоралар ҳисобидан амалга ошириш назарда тутилган лойиҳалар устувор лойиҳаларнинг ҳудудий манзилли рўйхатлари доирасида қайта молиялаштирилмайди.

Лойиҳалар ташаббускорлари ҳудудий кенгашлар томони-

дан ишчи орган белгиланган тартибда жалб қилинган ҳолда устувор лойиҳаларнинг манзилли рўйхатлари тасдиқлангандан сўнг Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган устувор лойиҳаларнинг манзилли рўйхатлари доирасидаги янги лойиҳалар бўйича “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун талабларига риоя этилган ҳолда харид қилиш тартиб-таомилларини амалга оширади.

Белгиланган тартибда амалга оширилган харид қилиш тартиб-таомиллари натижалари бўйича ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги лойиҳалар ташаббускорлари, тизим интеграторлари ва/ёки товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилари ҳамда Жамғарма ўртасида устувор лойиҳаларнинг манзилли рўйхатига киритилган лойиҳаларни амалга ошириш учун уч томонлама шартномалар тузилади.

Жамғарма томонидан устувор лойиҳаларнинг манзилли рўйхатини амалга оширишни молиялаштириш учун лойиҳа ташаббускорининг буюртманомалари бўйича лойиҳа ташаббускори, лойиҳа ижрочиси ва Жамғарма ўртасида имзоланган уч томонлама шартнома асосида маблағлар ажратилади.

Лойиҳалар Жамғарма маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга ошириш юзасидан белгиланган тартибда тасдиқланган жадваллар ҳамда бажарилган ишлар далолатномалари асосида босқичма-босқич молиялаштирилади.

Лойиҳа амалга оширилгандан сўнг лойиҳа ташаббускори ва ишчи орган мутахасссларидан таркиб топадиган қабул қилиш комиссияси томонидан имзоланган тегишли далолатнома тузилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинган ва 2018 йил 15 октябрдан кучга кирди.

Олег ГАЕВОЙ,  
пошта.uz

ИНФОГРАФИКА

## ИЛМ-ҲАН, ТАРАҚҚИЁТГА КИМ КЎП ҲИССА ҚўШАПТИ: ХИТОЙМИ ЁКИ АҚШ

**И**лм-фан, тараққиётга ким кўп ҳисса қўшмоқда. Newzoo маълумотларига кўра — АҚШ ва Хитой. Илмий журналларда чоп этиладиган ҳар тўртинчи мақола муаллифи — америкалик (Нобел мукофоти бекорга берилмаганда), ҳар беш-олтинчи мақола — хитойликки.

Дунё иқтисодиёти тизини илм-фанда етакчи бу икки мамлакат измида — бу тасдиқ эмас.

Шартли равишда “кучли ўндик” тузадиган бўлсак, кейинги ўринларда Буюк Британия, Германия, Япония, Хиндистон, Франция, Канада, Австралия ва Жанубий Корея.



# ҲАЁТИНГИЗДА “ХАВАР”НИНГ ЎРНИ ҚАНДАЙ?

## Матбуот ҳам устоз

**Валижон ҚУРБОНОВ,**  
“Ўзбектелеком” АК Фаргона филиали  
махсус ишлар бўйича бош мутахассиси:

— Менинг бу иш ҳафтам қандай ўтди? Қайси ишларни бинойидай бажардим? Қайси ишимдан кўнглим тўлмади? Ҳар ким ҳам ўзига шундай сарҳисоб бериб туриши табиий. Фаолиятимда билим-тажрибамдан тўла фойдалана олдими? Филиалга қандай нафим теги — мен шахсан ўзимга ўзим ҳисоб бериб тураман. Шундай пайтларда “Хабар”да ўқиганларим ва ўқийётганларимни бир-бир ҳаёдан ўтказаман. Давр билан ҳамқадам ушашга ундаётган мақолалардан ўзимга тегишли хулосалар оламан. Ёшларга ҳавасим келади. Негаки, уларнинг “Хабар”дек газеталари бор. Бизнинг навқиронлик дамларимизда гамхўр устоз ва мураббийларимиз кўп бўлгану аммо бундай ҳозиржавоб “Хабар”имиз бўлмаган. Буни ёшларимиз қанчалар тушунади ёки тушунмайди — менга қоронғу.



Лекин, эртанги куни учун қайгурган ёшларга “Хабар”дан ўзларингизни қизиқтирган барча саволларга жавоб топа оласизлар, дейман. Очигини айтиш лозим, ёшларимиз орасида фақат даромаднинггина ўйлайдиганлар бор. Одам боласи учун бош мақсад — моддий бўлиб қолса, бу биз, катталарнинг, аниқроғи, миллатимизнинг фожираси. Буни ёддан чиқармайлик.

## Таҳририят билан ҳамкорлик қилишга тайёرمىз

**Фарходжон МУЎЛАЙДИНОВ,**  
Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот  
технологиялари университети Фаргона филиали илмий  
ишлар ва инновацион гоёлар бўйича директор  
ўринбосари:



— Чиндан ҳам газетанинг талабаларимиз ва умуман ёшларнинг шахсий тақомиллашувидаги аҳамияти беқиёс. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Бунга ўз изланишларим мобайнида гувоҳ бўлиб келяпман. Газетадан илмий мақолаларим учун жой беришганда қувончдан бошим осмонга етган, илмий ишларга рағбатим ошгандан ошиб кетгани рост. Бунинг учун мен таҳририятдан беҳал миннатдорман. Газетада яна навбатдаги мақолаларим чоп этилади ва бундан ёшлар баҳраманд бўлишди, деган умидламан.

Яна шунга айтишим керакки, интернет асослари,

ахборот оламидаги энг сўнги янгиликлар, халқаро миқёсдаги тадбирлар тўлақонли чоп этилаётгани, энг долзарб масалалар очиқланаётгани биз учун айна муддао. Бизнесменлар, инвесторлар, олимларнинг чиқишларини, университетимиз фа-

олияти билан боғлиқ нимаки бўлса, мароқланиб ўқилади. “Ақлли шахар” ақлли одамлардан бошланади”, “Чиқиндини пулга айлантирамиз”, “Онлайн кутубхоналар” “Кибермакон: “оқ”лар ва “қора”лар жанги”, “Фахрийлар кенгаши зарур” каби кўплаб мақолалар талабаларимизга маъқул бўлганидан хурсандман. Мақолалар шарофати билан уларда илмий изланишга, ўз устида ишлашга иштиёқ кучаяётганидан мамнунмиз. Газетада ёшлар илмий ишларига туртки бўладиган мақолаларни янада кўпроқ ёритилишини тавсия этган бўлардим. Бу борада таҳририят билан ҳамкорлик қилишга тайёرمىз.

## Йигирма йиллик қадрдоним

**Обиджон УМАРОВ,**  
“Ўзбекистон почтаси” АЖ Фаргона филиали иктисодий  
таҳлил ва прогнозлаш бўлими 1-тоифали мутахассиси:



— “Хабар” — менинг 20 йиллик қадрдоним, десам муболага бўлмайди. Бу ҳақда мен “Алоқа-

чининг уриб турган юраги — “Хабар” деб ҳам ёзган эдим уч-тўрт йил муқаддам. Касбим нонини оқлаб ейман, деган алоқачи борки, “Хабар”га таянади, суянади. Барака топади. Биз почтачиларга ҳозир осон эмас, тан оламиз, лекин қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ. Биз ахир почтада ишламаганмиз, биз почтада яшаганимиз ва айна кунда ҳам шундай — почтани оёққа кўямиз деган аҳдимизда қатъиймиз. Бу йўлда машаққатлар юзига тик қараб изланишимиз, тер-тўқиямиз. Президентимиз, вазир-

лигимиз кўп асрлик почтанинг йўқолиб кетмаслиги учун олиб бораётган ишлар самараси бўлишига шубҳа қилмаймиз.

Биз ардоқлаган газетамиз бизларни кўпроқ қўлласа, орзу-истакларимизни, муаммоларимизни тез-тез намойиш этса, деган илтимосимиз бор. Зотан, почта давлат ишларида энг яқин кўмакчилардан бўлган ва шундай бўлаб қолади. Бу, менимча, газетамизнинг фидойи журналистлари зиммасидаги энг масъулиятли вазифалардан бири бўлиб турибди.

## Маърифат, маънавият тарғиботчиси

**Юлдузхон УЗАКБОЕВА,**  
“Ўзбектелеком” АК Фаргона филиали 1-тоифали бухгалтери:

— Ҳа, маънавиятли ва маърифатли бўлиш ҳар бир инсоннинг оруз-тилагидир. Доимо исломий қадриятларимизни чуқур билишимиз, асраб-авайлашимиз, риоя этишимиз, яъни жамиятга, ўзбекистонимизга доғ бўлиб тушадиган ноқоши иш қилиб қўйишдан сақланишимиз фарз. Бунинг учун эса ҳушёр бўлмоғимиз, ўзимизни тафтиш қилиб турмоғимиз зарур. Фикримча, газетадаги “Ибрат” рўкни остида берилётган воқеий ҳикоялар ва ривоятлар айна ана шу эзгу ниятларни тараннум ва тарғиб этади. Аслини билмай хулоса чиқарманг”, “Урин-



дикда қолган тиллалар”, “Яхшиликнинг муқофоти” ана шулар жамласидандир.

Менга газетадаги яна бир жиҳат жуда маъқул. “Ғалабага ундовчи китоб” рўкни остида берилётган Шухрат Сатторовнинг “Улкан муваффақият — катта муваффақиятсизликларнинг меваси”, “Улар қандай голиб бўдилар?” каби қатор мақолалари ҳам маънавиятга, инсон ҳулқ-атворини яхшилашга йўналтирилгани билан ёдимда қолди. Улар одам психологияси сирларидан воқиф этиб, умр йўларида асло адашмасликка ундайди.



## Тафтини ҳис этишнинг гашти ўзгача

**Мўминжон ЎРИНБОЕВ,**  
“Ўзбектелеком” АК Фаргона филиали  
эксплуатация ва хўжалик ишлари бошлиғи:

— “Хабар” этиб келгунича жума кунидек газетанинг веб-сайти — xabar.uzга кириб алоқа олами янгиликларидан бохабар бўламан. Соҳамиз, компаниямизда бўлаётган ҳар қандай тадбирларнинг тафсилотларини билиб олгим келади. Газетамизда бу масалага эътибор жиддий, улардан хабарсиз бўлсам уялиб қолишим ҳеч гап эмас-да. Расмий портални ҳам ҳаммиса кузатиб бораман. Лекин, газета газетада. Уни қўлга олиб ўқишнинг, тафтини ҳис этишнинг гашти ўзгача бўлади. Айниқса “Мутолаа” рўкни остида берилётган ҳикояларни тақрор-тақрор ўқиб хузур қиламан. Марк Твен, Эдгар По, Эрл Стенли Гарднер каби буюк ёзувчиларнинг ҳикоялари менга бир олам завқ-шавқ беради. Тенгдош ҳамкасбларимнинг алабиде дунёсига бефарқлиги эса, очиги, ҳайрон қолдиради. Ахир, алабий асарлар янаша, нутқни равланштирига хизмат қилади-ку. Маърифатни, маънавиятни унутиб, молиявий ўпқонда яшаш заволди. Шу боис ҳам газетада инсон маънавиятини юксалтиришга қаратилган мақолалар, бадий асарлар қанча кўп ёритилса, шунча соз бўлади. Алоқачи касба камол топиши учун ҳам маънавият ва маърифатда ҳаммага ибрат бўлганига нима етсин!

Ҳафиза САЛЯХОВА, “Хабар”нинг Фаргона вилоятидаги мухбири

## ДЕЛЕГАЦИЯ ИЗ СЛОВАКИИ ПОСЕТИЛА IUT



16 октября в Университете Инха в Ташкенте (IUT) прошла встреча с делегацией из Словакии во главе с вице-президентом по стратегическому планированию и развитию бизнеса компании RESYSLE г-ном Ярославом Кошак. Также участие во встрече приняли представители Мирзо-Улугбекского Инновационного центра (MUIC).

Ректор университета Инха в Ташкенте Музаффар Джалалов ознакомил гостей с деятельностью университета и проинформировал о планах дальнейшего развития, успешном переходе образовательной программы «3+1» в «4+0».

Как отметил ректор IUT, в университете активно проводятся стартап инициативы. Представители крупных ком-

паний выступают с лекциями для студентов. Инновационный центр при университете помогает талантливым студентам в реализации их идей. 80% выпускников IUT начали работать по своей специальности в различных международных и местных компаниях.

В свою очередь, менеджер по развитию стартапов Баходир Аюпов, ознакомил гостей с деятельностью Мирзо-Улугбекского Инновационного Центра. По его словам, центр активно развивает секторы информационно-коммуникационных технологий. В настоящее время предоставляются большие льготы для компаний, работающих в области ИТ. Центр оказывает поддержку в виде консультаций, сотрудничества и других вопросов реализации инновационных проектов в области разработки ИКТ-продукции по перспективным направлениям.

3 июля Президент Узбекистана Шавкат Мирзиёев

подписал постановление «О мерах по развитию цифровой экономики в Республике Узбекистан». Были определены важнейшие задачи развития цифровой экономики для дальнейшего совершенствования систем государственного управления и условий для внедрения и развития инноваций, где особое внимание уделяется блокчейну и криптовалюте.

В связи с этим, по мнению участников встречи, развитие сотрудничества в области цифровой экономики играет важное значение.

В заключительной части встречи, стороны обсудили всестороннее развитие сотрудничества в сфере блокчейн технологий, цифровой экономики, вопросы внедрения улучшений, с акцентом на сегодняшние потребности глобальной ИТ-индустрии. В ходе встречи были рассмотрены взаимные интересы, вопросы совместных проектов.

## ИНТЕРНЕТ

## В КОНЦЕ ГОДА 62% ВСЕХ САЙТОВ В ИНТЕРНЕТЕ ЛИШАТСЯ ОБНОВЛЕНИЙ БЕЗОПАСНОСТИ

31 декабря 2018 года прекращается выпуск обновлений безопасности для PHP 5.6.x.

По данным W3Techs, на сегодняшний день около 78,9% всех сайтов в интернете работают на PHP. Однако 31 декабря нынешнего года официально прекращается выпуск обновлений безопасности для PHP 5.6.x, что ознаменует полное прекращение поддерж-

ки всех версий устаревшей ветки PHP 5.x.

В начале 2019 года из-за прекращения поддержки около 62% сайтов, до сих пор работающих на версиях PHP 5.x, перестанут получать обновления безопасности, а значит, сотни миллионов ресурсов окажутся под серьезной угрозой. Если после Нового года киберпреступники обнаружат в PHP уязвимость, огромное число сайтов и их пользователей подвергнутся большому риску.

По словам директора по разработкам компании Paragon Initiative Enterprise Скотта Арцишевски (Scott Arciszewski), возможность эксплуатации уязвимостей в неподдерживаемых версиях представляет «огромную проблему для экосистемы PHP».

«Многие не могут вот так просто взять и отказаться от PHP 5 в 2019 году. Это решение (команды PHP – ред.) является необдуманным», – сообщил Арцишевски в интервью изданию ZDNet.

По мнению эксперта, серьезные, широко эксплуатируемые уязвимости в PHP 5.6 наверняка затронут и более новые версии. «PHP 7.2 будет регулярно получать бесплатные патчи от команды PHP, PHP 5.6 получит патч, только если вы платите за продолжающуюся поддержку производителю вашей ОС», – отметил Арцишевски.

Сообществу PHP уже давно было известно о планируемом прекращении поддержки. Когда весной 2017 года 5.6 стала самой популярной версией

PHP, разработчики решили помириться с прекращением поддержки и продлить ее до конца 2018 года.

Тем не менее, поголовного перехода на ветку 7.x не произошло. Только системы управления контентом (CMS) постепенно стали модифицировать минимальные требования и предупреждать пользователей о необходимости перехода на более современную хостинговую среду. Из трех крупнейших CMS (WordPress, Joomla и Drupal) только Drupal указала PHP 7 в минимальных обязательных требованиях, хотя ветка PHP 7.0.x устарела еще 3 декабря 2017 года. В минимальных требованиях Joomla до сих пор указана версия PHP 5.3, а WordPress – PHP 5.2.



## КУЛЬТУРА

## «Я ТЕБЯ НЕ ЗАБЫЛ»

В каждом доме в Узбекистане помнят о том, как дорого обошлась нам победа над фашизмом, какой большой вклад внес в нее наш народ. «Те суровые военные годы еще раз подтвердили, насколько велика духовная сила нашего народа, его мужество и стойкость в преодолении тяжелейших испытаний. Именно на таких примерах проявления лучших человеческих качеств, присущих нашему народу, в духе уважения национальных и общечеловеческих ценностей мы дол-

жны воспитывать сегодня молодое поколение страны», – сказал Президент Узбекистана Ш.Мирзиёев на приеме в честь Дня Памяти и Почестей.

13 октября преподаватели и студенты факультета телевизионных технологий Ташкентского университета информационных технологий имени Мухаммада ал-Хоразми участвовали в премьере документального фильма «Я тебя не забыл». Зал дворца кино имени Алишера Навои с трудом вместил всех желающих увидеть новый фильм ре-

жиссера Али Хамраева, посвященный памяти его отца – лейтенанта Эргаша Хамраева, погибшего на полях сражений Второй мировой войны. Узбекский зритель хорошо знает многие фильмы А. Хамраева – «Белье, белые аисты», «Человек уходит за птицами», «Седьмая пуля», «Невеста из Вуадилка» и многие другие. А классика комедии – «Где ты, моя Зулфия?» – «Ёр-Ёр» заслуживает отдельного внимания. Режиссер фильма и великие узбекские артисты – Саиб Ходжаев, Бахтиёр Ихти-

ёров, Шукур Бурхонов, Раззок Хамроев, создали великолепное произведение, которое уже 54 года с удовольствием смотрят кинозрители всех возрастов. И вот – документальное кино о войне. Фильм объемом 45 минут с огромным уникальным архивным материалом посмотрится на одном дыхании. Это поточно о мужестве и долге, доблести и чести, войнах и тех, кто оставался в тылу, о всех, кто кавал Победу. Этот фильм о любви – к Родине, семье, отцу, Человеку – победил на

международном кинофестивале в Турции, его премьера с успехом прошла в Америке. Зал дворца кино имени Алишера Навои встретил завершение просмотра овацией. Это именно то произведение, которое сегодня особенно нужно молодому поколению. И фильм готовится к демонстрации на каналах Национальной телерадиокомпании Узбекистана.

А.АБДУРАХИМОВ,  
старший преподаватель  
ТУИТ



# БАХТНИ ҲИС ҚИЛИШ АМАЛЛАРИ



— Сиз бахтлимиёсиз?  
— Ҳа!  
— Явада бахтли бўлишни истармидингиз?  
— Ҳа!

Демак, ҳали чинакам бахт нималигини ҳис қилмаган экансиз!..

Келинг, бошқа мавзуда суҳбатлаша қолайлик!

Бахтли бўлиш — барчамизнинг ҳаётдаги мақсадимиз. Бахтиёрликка интилиш қанчалик худбинлик бўлиб кўринмасин, ҳар бир инсон бахтга муносиб.

Кўпчилик бахт, бу — хоҳлаганимизга эришиш ва эҳтиёжларимизни қондириш, деб ҳисоблар экан. Аммо изланишлар чинакам бахтиёрлик ҳисси инсонда ниманидир олиш билан эмас, бошқаларга бериш билан тугилишини кўрсатмоқда. Шу сабабли ҳам, яхшилик ва бахтиёрлик бир-бирига узвий бўлиб, яхшилик қилувчи одамлар бошқалардан кўра ўзларини кўпроқ бахтли ҳис қилар эканлар.

Рухшунослар инсонга ўзини бахтиёр ҳис қилишига ёрдам берадиган бирламчи омилларни аниқлаб, қуйидаги уч муҳим амалга одатланиш зарурлигини айтидилар. Яъни, бошқаларга яхшилик қилиш, яхши хотираларни ёзиб бориш ҳамда яхши инсонлар даврасида бўлиш.

## Яхшилик қилиш

Буддизм этикодига тегишли ўғитларда шундай ҳикмат бор: “Биргина қандил орқали минглаб қандилларга чароғонлик улашиш мумкин. Бу билан ўша қандилнинг умри қисқариб қолмайди. Бахтиёрлик ҳам шундай: улашилгани билан тугаб қолмайди”.

Бошқаларга яхшилик қилиш амали инсоннинг ўз оиласидан бошланади, албатта. Ота-онасига, турмуш ўртоғи ёки фарзандларига яхшилик раво кўрган инсонгина бегоналарга чин дилдан яхшилик қилиши мумкин.

Бахт роҳат ёки ҳузур билан ўлчанмайди. Унинг кўлами ёки даражаси жисмоний таъсирдан юқори туради. Яъни, музқаймоқ ейиш танага ҳузур бериши мумкин, аммо бу билан инсоннинг бахтиёрлиги ошмайди. Аксинча, музқаймоқни уни сотиб олишга қурби етмайдиган инсонга олиб бериш танга бахтнинг чинакам ҳузурини ҳада эта олади.

Бошқаларнинг кимгадир қилган яхшилигини, дейлик кимнингдир кекса инсоннинг оғирини енгил қилишини кўриш, ночорларга хайр-саховат қилинаётганини кузатиш ҳам инсондаги чуқур ички бахтиёрликнинг ошишига сабаб бўлар экан. Буни рухшунослар “ҳиссий юксалиш” деб атайдилар. Бундай вазиятда инсоннинг инсонларга бўлган ишончи ортиб, ўзини ҳимояланган ҳис қилар экан.

Шу кунларда оммавий ахборот воситаларида ҳукуратимиз томонидан имконияти чекланган юртдошларимизга имтиёзли уйлар берилаётгани тўғрисидаги хабарларга кўзимиз кўп тушмоқда. Ана шундай лаҳзаларда ҳар биримиз уй олганлар билан бирга қувондик, уларнинг хурсандчилиги бизнинг ҳам кўзимизни намлади. Яъни, “ҳиссий юксалиш”ни бошимиздан ўтказдик.

Инсонларни бахтиёр лаҳзаларини кўриш, табиатта, жондорларга яхшилик

қилиш ҳам инсон бахтини илҳомлантирар экан. Америкалик жамоат арбоби Элеонора Рузвелтнинг фикрича, чин бахтиёрликни бошқаларга бахт улашиб ҳис қилиш мумкин. Ўз навбатида, кимдандир яхшилик кўрган инсон ўзини бошқаларга яхшилик қилишга масъул ҳисоблай бошлайди ва бу яхшилик занжир мисол узайиб боради ва одамларни кўринмас ришталар билан боғлайди, оқибатнинг яшовчанлигини таъминлайди.

## Хотираларни қайд этиб бориш

Рухий тадқиқотлар инсон бирор қийин вазиятга тушганида уни ёзиши кераклиги, қийин вазиятни ўз-ўзига баён қилиш фойдали эканини, бу унга оғир вазиятдан чиқиб кетишига руҳий кўмак беришини кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, бахтли лаҳзаларни ҳам қайд этиш инсоннинг бахтиёрлигини оширар экан.

Бугун смартфонлар ёрдамида тасвир ва суратлар оламиз. Бахтли дамларни бир муддатга муҳрлашга имконимиз бор. Аммо бахтиёр дамларни қоғозга туширишнинг гашти ундан ҳам юқори бўлар экан.

Эҳтимол, адабиёт ва ижод одамларининг узоқ йиллар бахтли ва соелом ҳаёт кечиришларининг сабаби шудир, деб ўйлаб қоламан. Ахир улар ёзаётган, қуйлаётган ёки чизаётган асарларида аксарият қаҳрамон ва сюжетларни ўз ҳаётларидан оладилар, ўзларини тараннум қиладилар, муаммо ва ташвишларини баён қиладилар. Йиллар ўтиб ижодкор ўша

асарини қўлга олганида эса, ўзининг залворли умрини эслайди, бахтиёрлик ҳиссидан завқланади.

## Яхши инсонлар даврасида бўлиш

Баъзан бахтиёрлигини боис табассум қиласан. Баъзида эса табассум қилганинг боис бахтиёрсан, дейишган донолар. Рухшунослар бахт ҳиссининг “юқумли” бўлишини айтишади. Бахт ҳисси инсондан инсонга юқади! Бу — ҳақиқат!

Ён-атрофида яхши инсонлар кўп бўлган, бу давраларга тез-тез кўшилиб турадиган кишилар ҳаётнинг ҳар лаҳзасини севиб, шукр қилиб ҳамда бағрикенг бўлиб яшашга ҳаракат қиладилар.

Агар сизда сизга ижобий кайфият улаша оладиган, кези келганда тарбия қиладиган яхши дўстларингиз бўлса, улар учун кўпроқ вақт ажратинг.

Ҳарвард университети рухшуносларининг фикрича, инсонларнинг машаққатли ҳаёти ва бахтга эришувида бағишланган мазмунли филмлар томоша қилиш ҳам инсоннинг ички бахтиёрлигини, ўзига бўлган ишончини оширар экан.

Дунёда на бахтиёрлик, на азобланиш деган нарса йўқ. Инсоннинг бир ҳолатини иккинчи ҳолатига қисқаш бор, холос. Энг чиройли бахтни энг оғир азобни бошдан кечирганлар ҳис қилишади. Ҳаётнинг нақадар гўзаллигини билиш учун ўлим билан юзма-юз келиш лозим, деган экан атоқли адиб Александр Дюма.

Шухрат САТТОРОВ

“Бугун смартфонлар ёрдамида тасвир ва суратлар оламиз. Бахтли дамларни бир муддатга муҳрлашга имконимиз бор. Аммо бахтиёр дамларни қоғозга туширишнинг гашти ундан ҳам юқори бўлар экан.”

# БИЗНЕСДА ХЎЖАКЎРСИНЧИЛИК КЕТМАЙДИ



Усмон РАҲИМЖОНОВ,  
БМТ Тараққиёт дастури ва  
Ўзбекистон савдо-саноат палатаси  
ҳамкорлигидаги “Ўзбекистон  
ҳудудларида ишбилармонлик  
муҳитини яхшилаш” лойиҳаси  
компоненти менежери.

БМТ Тараққиёт дастурининг турли  
лоиҳаларида 2004 йилдан бери  
ривожланишнинг турли соҳалари  
бўйича миллий мутахассис сифатида  
ишлаб келади.

Наманган муҳандислик-технология  
институтини иқтисодиёт ва  
менежмент йўналишида битирган.

Рединг университети (Буюк  
Британия)нинг магистрлик  
даражасига эга.

Кундалик турмуши-миздаги кўплаб инновацион ва фойдаланиш технологияларнинг барчаси бошида оддийгина ғоя ётади. Стартаплар — жаҳон мамлакатларининг ривожланишида бугун уларнинг ўрни беқиёс, Ўзбекистонда ҳам. Ҳар ҳолда стартап ташаббусларига эътибор яхшиланмоқда. “Фол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили Давлат дастури” доирасида ҳам кўплаб инновацион ишланмалар учун молиявий қўмақлар берилаяпти. Суҳбатдошимиз — стартап-лоиҳаларни қўллаб-қувватлаш бўйича катта тажриба эгаси Усмон Раҳимжонов.

— Усмон ака, кўплаб ёшлар сизни стартаплар бўйича устоз, том маънода мутахассис деб билишади. Келинг, суҳбатимизни стартаплар ҳақида бошласак. Умуман, стартаплар нима ва уларнинг бугунги ҳаётимиздаги ўрни қандай?

— Стартап деганда биз одатда янги тадбиркорлик фаолиятини бошлашни тушуна-миз. Бунга ҳар қандай кичик бизнес ва даромад келтирадиган тадбиркорлик фаолиятини бошлаш кириши мумкин.

Лекин стартапга аниқроқ таъриф берадиган бўлсак, унда стартап бу — юқори технологияларга асосланган ёки илмий тадқиқотлар натижасида яратилган ишланмалар, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда яратилган, оммалаштириш истиқболи бор, тақрирланадиган ва даромад келтирадиган бизнес-модел.

Стартаплар бирор бир ўзак технология атрофида (масалан, интернет, мобил алоқа воситалари, Wi-Fi ёки GPS каби) шакллантирилиб, кундалик ҳаётда ва иқтисодиётда том маънодаги истеъмолчилар, жисмоний ва юридик шахсларнинг мавжуд эҳтиёжини, муаммосини ёки бирор-бир бизнес жараёнини ўзгача, янги усул билан ечишга, самардорлигини оширишга қаратилган ечимлардир.

— Бугун стартап-лоиҳаларнинг жаҳон миқёсидаги ўрни қандай?

— Ҳозир, АКТнинг ҳисоблаш қуввати ва нархи тобора

арзонлашиб бораётган бир пайтда, улардан фойдаланган стартап муаллифлари ва ижодкор муҳандислар улкан ахборотларни қайта ишлаш, машиналар ўзи ўрганиши, тасвирларни ўзлаштириш, турли ўлчашлардан ахборотларни ўзлаштириб қарор қилиш, электр қувватини сақлаш ва қайта қувватлантириш эвазига муқобил тарзда ишлаш оладиган кўплаб технологик ечимларни таклиф қилишяпти.

Натижада нафақат веб-сайт ва мобил иловалар, сунъий индук, тўлдирилган реаллик, ўзи ўрганувчан машиналар, робот ва овозли ёрдамчилар каби технологиялар кундалик ҳаётимиз ва саноатнинг турли жабҳаларига жадаллик билан кириб келмоқда.

Албатта, ушбу йўналишда кўпроқ АКТ соҳасида ишлайдиган йирик компаниялар етакчилик қиляпти, бунинг учун уларда улкан инсон салоҳияти, технологик ускуна ва лабораториялар ҳамда тўғри йўлга қўйилган, авваламбор инсон манфаатларини тўғри бошқара оладиган тузилма ва улкан технологик база ёки бошқача қилиб айтганда, мерос бор.

Бундан ташқари, ривожланган давлатларда қулай тадбиркорлик муҳити, технология соҳасида чуқур таҳлилий билим, мутахассислар ва маб-

лағлар мавжуд. Натижада кўплаб иқтидорли ёшлар ва муҳандислар тинмай изланишда, янгилик яратиш ва таваккал қилиш билан банд, инвесторлар эса истиқболли стартапларга сармоя киритиб, кундан-кунга бир-бирдан қизиқарли ишланма ва ечимларни дунё бозорига олиб чиқмоқда.

Бунда, албатта, ривожланган давлатларда интернетдан фойдаланувчилар кўплиги, аҳолисининг рақамли технологиялар борасида саводхонлик даражаси ва янгиликларни қабул қилиш хайрхоҳлиги юқорилиги, тажриба ва малакали мутахассислар, йирик технология марказлари мавжудлиги ва энг асосийси, бозорда рақобатнинг кучлилиги муҳим рол ўйнайди.

Олдий, унча катта бўлмаган маҳаллий “бутик” ечимлардан тортиб, улкан саноат ва ижтимоий соҳаларга ўз таъсирини ўтказётган ечимларгача бунга мисол бўла олади. Масалан, катта шаҳарларда олдий одам бир жойдан иккинчи жойга бориш учун ўз мобил телефонидаги мобил иловани ишга солиб, турган ери-ни GPS орқали аниқлаб, борадиган жойининг номини ёзса, мобил илова барча транспорт турларини таклиф этган ҳолда қанча вақтда ва қанча пулга қўзланган манзилга етиб олиш таклифларини бериб, ҳар бир қадамни кўрсатмалари билан таклиф қилади.

Мана, ҳаммамизда Telegram бор: бу ўзаро ва қолаверса, бизнесдаги мулоқотимизга қандай қулайликлар яратганини кундалик ҳаётимизда ҳис қиламиз ва фойдаланамиз. Шунга ўхшаш ечимлардан фойдаланиб, биз узоқ юртлардаги бизнес ҳамкорларимиз ва ёр-биродарларимиз билан нафақат овозли, балки юзма-юз мулоқот қиламиз. Муҳими, бу жуда арзон.

Яна бир мисол келтираман. IBM Watson ечимлари тиббиёт соҳасида инсондан кўра аниқроқ ташхис қўйиши, ҳуқуқшунослик соҳасида эса инсон омилдан юқорироқ кўрсаткичга эришиши, яъни кўпроқ ишларни ютиб чиқиши кутиляпти. Ёки бўлмаса фазога космик кемаларни учириб, ракеталарнинг биринчи

*Стартап бозоримизда “тракшн”, яъни турли жараёнлар кам, иштирокчилар етишмайди.*

босқичини ортга қайтариб кўндиришдан тортиб, батамом электр энергиясида юрадиган машина ва енгил транспорт воситаларини олайлик. Хитойнинг Шанхай шаҳридаги бирорта ҳам ички ёнув юритгичли скутерлар қолмагани ва ҳаммаси электрда ҳаракатланганидан айрмай айтмай сизми, текстил ёки қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги ақл бовар дилмас технологик ечимларчи, албатта, буларнинг ҳаммаси ҳайратлантirmay қўймайди.

— Юртимизда-чи? Ютуқ ва камчиликларимиз?

— Бизда ҳам илгор технологиялардан фойдаланиб, стартап сифатида ўз ишини бошлаб катта натижаларга эришган лойиҳалар талайгина. Масалан, Toq.uz (ҳозир OLG), Paynet, MyTaxi, Click, Payme, Tashbus каби ишланмалар. Бизнес ва мижозлар ўртасидаги мулоқот муносабатларни автоматлаштириш (мулоқот-ботлари), молиявий хизматлар соҳасидаги ечимлар, ҳаво ва темир йўл транспортларига чипталар харид қилиш, кундалик истеъмол молларини масофадан харид қилиш, турли таом ва ширинликлар, қаҳва ва ичимликлар ва ҳатто гулдасталарга буюртма бериш, телефон орқали тўловни амалга ошириш

ланиш, илмий тадқиқотлар, тажриба, янги технология ва техникаларни жорий қилишдир. Лекин инновацияларда таълим ва тадқиқотлардан ташқари, хусусий сектор ҳам жадал иштирок этади. Шундай экан бу уч иштирокчи ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Чунки инновациялар учун изланиш, салоҳият ва тадқиқотлар керак, бунинг учун эса билим ва иқтидор соҳиблари зарур. Бу муносабатларда ҳам ютуқ ва камчиликларимиз бор. Бунинг ривожланган давлатлар тизимлари ва соҳалари ўртасидаги муносабатларни ўрганиб ҳам билиб олсангиз бўлади. Уларда таълим соҳаси ва хусусий сектор муносабатлари биздагига нисбатан анча жадал ва юқори. Натижа ва кўрсаткичлари ҳам шунга яраша.

— Сизнингча, ҳозир ёшларимизнинг билим ва савияси қай даражада? Кўп хориж мамлакатларига бориб келган мутахассис сифатидаги фикрингиз.

— Ёшларимизнинг билим ва савиясини мен баҳолай олмайман, баҳо беришим ҳам ноўрин. Ҳар жабҳада ўз иқтидори ва истеъдолдини кўрсатиб юқори даражаларга эришган ва эришаётган ёшларимиз бор, албатта.

Ҳар қандай ютуқ, марраларга, шубҳасиз, оғир меҳнат асосида эришилади. Баҳона эмас, ҳаракат ва тиришқоқлик, ишонч ва меҳнат — муваффақиятлар калити. Сиз, албатта, пул, билим, экотизим, муҳит ва қатнашчиларни мисол келтиришингиз мумкин. Буларнинг барчаси етарли бўлганда ҳам, агар фидойилик, ишонч ва ҳалол меҳнат бўлмаса, кўпол қилиб айтганда, ўз соғлиғи, оиласига ажратадиган вақти ва ҳаловатини қурбон қилиб, ўз соҳасида чуқур изланмас экан нафақат стартап, балки оддий вазифалар ҳам удалланмай қолиб кетаверилади.

— Бизнес учун-чи?

— Бизнесда ҳам шу. Ҳар бир соҳа вакили ўз ишини қойиллатиши лозим, кўзбўямачилик, хўжақўрсинчилик кетмайди. Чин кўнглидан, соф ният ва эзгу мақсадларни олдга қўйиб, тинмай меҳнат қилинсагина натижага эришиш мумкин. Вақт деган жудаям одил ҳакам бор, вақти келиб у ҳаммасини ўз ўрни ва жойига қўяди.

— «Startup ташаббуслари» ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— «Startup ташаббуслари» айнан ёшларимизни изланишга, илмий тадқиқотга ва ташаббускорликка жалб қилишга, замонавий технологиялар яратётган имкониятлардан удалабунлик билан фойдаланиб, ўзлари учун янги бизнес ва фаолият турларини яратишлари, пировардида юқори қиймат қўшилган маҳсулот ва хизмат турлари, мутахассис ва касб соҳиблари бўлишларига кўмаклашиш учун яратилган. Дастур ёшларимизни бундай фаолиятга рағбатлантириш, қизиқтириш, ўз устида ишлашлари, ишониш-

лари, қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқаришга қаратилган.

— Demo Day ҳақида ҳам бир оғиз...

— Demo Day — юқоридаги дастур доирасида стартап муаллифлари ва жамоа аъзолари амалга оширган ишлар натижасини кўрсатиш учун имкониятдир. Улар дастурда қатнашиш учун ариза юборишлари, саралашдан муваффақиятли ўтишлари, ўз гоё ва лойиҳаларини дастурнинг тежамкор стартап услубидан фойдаланиб удалаганларини кўрсатишлари ва лойиҳаларини истиқболдаги сармолагчи ва бозор иштирокчиларига эълон қилишлари ва бозорга кириб бориш учун илк қадамларини қўйишлари мумкин.

— Ёш стартапчиларга энг яхши китоблар «ТОП-5» лигини таклиф эта оласизми?

— Ҳаракат қиламан. Бештадан кўпроқ бўлсам бўладими (кулади)? Китоблар рус тилида бўлгани учун уларнинг номини русчада келтираман:

- Роб Фитшпатрик — «Спроси маму»
- Эрик Рис — «Бизнес с нуля»
- Стив Бланк, Боб Дорф — «Стартап: настольная книга основателя»
- Алекс Остервальдер — «Канва бизнес модели»
- Эш Маурья — «Бережливый стартап»
- Дэйв МакКлюр — «Метрик для пиратов».

— Ёшларга таклиф ва тавсияларингиз?

— Ёшларимизга замонавий технологияларга кўпроқ қизиқишлари ва улар яратётган имкониятлардан самарали фойдаланишни таклиф қилган бўлардим. Ўзлари устида ишлашлари, юксак марраларга эришишда ўзларига ишонишлари, вақтнинг беҳуда ўтказмасликлари, қатъиятли бўлишлари ва албатта, инглиз тилини ўрганишларини тавсия қиламан!

Фуломжон НАЗАРОВ  
сўхбатлашди



имкониятларини ютуқ сифатида келтиришим мумкин.

Камчиликларимиз — стартап бозоримиз ва технологияларимиз саёз, яъни бозор ва стартап экотизими ривожланиши ҳали бошланғич босқичда. Экотизимнинг ҳар бир қатнашчиси, хоҳ ҳуқуқий муҳит, хоҳ таълим ва тадқиқот, хоҳ давлат кўмаги ва молиявий ресурслар бўлсин, истиқболли технологиялар соҳасида экспертиза ва мутахассислар етишмайди, ички бозор билан чуқур ишланмайди, хусусий сектор фаол эмас. Умуман олганда, бозоримизда «тракши», яъни турли жараёнлар кам, иштирокчилар етишмайди.

— Таълим ва инновация — булар бир-бири билан қай даражада боғлиқ?

— Таълим соҳаси ёшларимизга турли жабҳаларда билим берадиган маскан. Инновация эса давомий янгиланиш ва из-

Ҳатто айрим йўналишларда бизниқилар тенгсиз. Лекин, умуман олганда, биз муҳитни, яъни билим олиш, изланиш, тадқиқотлар ўтказиш, ишланмаларни жорий қилиш, иқтидор соҳиблари савияси ва даражасини янада ўстириш учун рақобат муҳитини янада шакллантиришимиз зарур. Агар биз ҳар жабҳада рақобатли муҳитни шакллантирмас ва кучайтирмас эканмиз, илм, фан, иқтидор ва истеъдол соҳиблари, бизнес вақиллари ва мутахассислар ўз манфаатлари кўпроқ инобатга олинган ўзга давлат ва муҳитларга кетишда давом этаверадилар.

— Яхши стартап бошлаш учун ёшлардан нима кўпроқ талаб этилади? Пулми, билимми ёки нималар?

— Стартап, бу шахсий фикрим, тиришқоқлик, изланувчанлик, фидойилик ва оғир меҳнатни талаб этади. Чунки

“  
Ҳар жабҳада рақобатли муҳитни шакллантирмас ва кучайтирмас эканмиз, илм, фан, иқтидор ва истеъдод соҳиблари, бизнес вақиллари ва мутахассислар ўз манфаатлари кўпроқ инобатга олинган ўзга давлат ва муҳитларга кетишда давом этаверадилар.”

# ИСЛОМ, ИЛМ ВА ТАРАҚҚИЁТ

Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм)да Ўзбекистон мусулмонлари идораси билан ҳамкорликда “Ислом, илм ва тараққиёт” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Тадбирга Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти “Ижтимоий фанлар” кафедраси mudiri Абдурасул Тошпулатов тақлиф этилди.

Тадбирни бошқарма бошлиғи полковник Б.Аденов очиб, ислом ўз номи билан тинчлик дини

эканлиги, унинг дунё илм-фани тараққиётидаги муҳим аҳамияти, буюк аждодларимиз ҳам айнан диний ва дунёвий билимларнинг чуқур билимдони бўлишида ислом дини катта ўрин тутганлиги тўғрисида гапириб ўтди.

Шундан сўнг Абдурасул Тошпулатов ислом динининг муқаддас китоби Қуръони Карим ва ундан кейинги манба — ҳадисларда мусулмонларни илм олишига чорлов, касб-ҳунар ўрганишига даъват ниҳоятда кўп эканлиги ҳақида маъруза қилди. Жумладан, Қуръони Каримнинг нозил бўли-

ши “Ўқи, ўқи, ўқи” сўзлари билан бошланганлиги, “Илм ўрганиш ҳар бир мусулмон эркак ва аёл учун фарз”лиги, “Илми Хитойга бориб бўлса ҳам ўрганиш керак”лиги ҳақидаги ҳадисларни тарихий мисоллар орқали изоҳлаб берди. Шунингдек, ислом динининг пайдо бўлиши ислом цивилизациясига асос солганлиги, натижада IX-XII ва XIV-XV асрларда ислом оламида катта илмий кашфиётлар қилинганлиги, айнан бизнинг Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Бухорий, Фобрий, Замахшарий, Мирзо Улуг-

бек ва бошқа кўплаб аждодларимиз ўз илмий кашфиётлари ҳамда илм-маърифати билан дунё тамаддунига беҳисоб ҳисса қўшганини таъкидлаб ўтди. Маърузачининг, айниқса, бугунги инсоният қўлга киритаётган илмий ютуқ, ихтиро ва кашфиётлар Қуръони Каримда бундан 1400 йил аввал ёзиб қўйилганлигини амалий мисоллар билан тушунтириб бергани барчада ҳайрат уйғотди.

Савол-жавоблар асосида ўтган тадбирда ҳарбий хизматчилар кўплаб қизиқарли маълумотларга эга бўлди.

## ЎН БИР ЖАМОА ИЧИДА ИККИНЧИ ЎРИН

Наманган вилоятида республикадаги ўта муҳим ва тоифаланган объектларни қўриқлашга жалб этилган бир қатор вазирлик ва идораларнинг ҳарбийлаштирилган қўриқлаш отрядлари бўлими ва хизматчилари ўртасида мусобақа ўтказилди.

Мусобақада Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм)нинг Алоқа объектларида ҳарбийлаштирилган қўриқлаш отрядининг тоифаланган объектларни қўриқлаётган Куролли Кучлар хизматчиларидан иборат жамоаси ҳам иштирок этиб, республика миқёсидаги 11та жамоа ичидан фахрли 2-ўринни қўлга киритди.

Айтиб ўтишимиз лозимки, мусобақага ҳарбий қисмда пухта тайёргарлик кўрилди. Жумладан, мусобақада иштирок этиш учун номзодларни саралашда жисмоний тайёргарликдан 100 метр ва 3 километр масофага югуриш, турникда тортилиш ҳамда мултимедиа ТИРдан ўқ отиш синовлари ўтказилди. Саралаш босқичида Алоқа объектларида ҳарбийлаштирилган қўриқлаш отряди жамоалари шахсий таркибидан олти нафар хизматчи танлаб олинди. Хусусан, 1-жамоадан 2-даражали ўқчи Абдуқодир Гаппаров, 8-жамоадан қоровул бошлиғи Ҳамидулло Саидов ва 2-даражали ўқчи Муҳаммаданафия Каримов, 10-жамоадан 2-даражали ўқчи Абдурахмон Турсунов, 12-жамоадан 2-даражали ўқчи Темир Карабаев ва 17-жамоадан 2-даражали ўқчи Нодир Султоновлар ўзларининг жанговар шайлиги ва жисмонан етуклиги билан мусобақада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Уларга подполковник Д.Холходжаев бошчилигидаги офицерлар маънавий-маърифий ва махсус тайёргарлик фанларидан назарий ва амалий машғулотлар олиб боришди. Машқ ва машғулотлар вақтида учраган камчиликлар баргараф этилди.



Бу каби пухта тайёргарлик мусобақада ўз сўзини айтди — жамоа фахрли 2-ўринни эгаллади. Жамоа аъзоси 2-даражали ўқчи Темир Карабаев шахсий кўрсаткичи билан 55 нафар иштирокчи орасида яқка тартибда баҳолаш бўйича 17 балл тўплаб, 2-ўринни эгаллади. У бошқарманинг миннатдорчилиги рамзи сифатида эсдалик совға “ORIENT” қимматбаҳо қўл соати билан тақдирланди.

Бошқармада ўтказилган мусобақа таҳлилида аниқланган кам-

чиликларни баргараф қилиш ҳамда келгусида бўлиб ўтадиган мусобақаларга янада пухта тайёргарлик кўриш мақсадида тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Келгуси йилда бўлиб ўтадиган мусобақаларда жамоамиз биринчи ўринни қўлга киритишга аҳд қилган.

Абдуқодир ОТАБОВ,  
МАТБ Маданий ҳордиқ  
ишлари бўйича катта офицер,  
клуб бошқаруви катта лейтенант

Суннат НАЖИМОВ олган суратлар.

Жамоа аъзоси 2-даражали ўқчи Темир Карабаев шахсий кўрсаткичи билан 55 нафар иштирокчи орасида яқка тартибда баҳолаш бўйича 17 балл тўплаб, 2-ўринни эгаллади.



### ЎЗ КАСБИНИНГ МОҲИР ЭҒАЛАРИ

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БОСҚИЧИ ГОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Тошкент вилояти касаб аъзолари ташкилотлари бирлашмаси томонидан меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга, турли тармоқларда меҳнат қилиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга муносиб ҳисса қўшиб келаётган турфа касб эгалари меҳнатини муносиб рағбатлантириш кенг қўламда олиб борилаётган. 2012 йилдан буён ҳар йили бир марта “Ўз касбининг моҳир эгалари” тавлови ўтказиб келинаётган фикримиз далилидир.

Ўзбекистон касаб аъзолари Федерацияси тасаруфидаги “Ўқув маркази” биносида яқинда “Ўз касбининг моҳир эгалари” тандовининг Тошкент вилояти босқичи голибларини тақдирлаш маросими ўтказилди. Уни Тошкент вилояти касаб аъзолари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси Муроджон Носиров кириш сўзи билан очиб, барча голибларни табриклиди.


Шундан сўнг турли соҳаларда самарали меҳнат қилиб, салмоқли ютуқларга эришган, “Ус-

тоз-шоғирд” аъзолари асосида муносиб шоғирдлар тайёрлаб жамоада обр-этибор қозongan, вилоятда олиб борилаётган кенг қўламдаги ислохотларни доимо қўллаб-қувватлаб келаётган ташаббускор ва изланувчан элликдан ортиқ ишчи-ҳодимларга махсус диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Тақдирланганлар орасида Оҳангарон шаҳридаги 7-сонли Имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган ёрдамчи мактаб логопеди Феруза Йулдошева ҳам бор.

— Ушбу мукофот зиммамизда янада кўпроқ масъулият юклайди, — дейди Ф.Йулдошева. — Имконияти чекланган болалар махсус мактаблари ўқитувчилари учун мўлжалланган методик қўланмани чоп этириш арафасидамиз. Келгусида бундай болаларни ўқитишда инновацион технологияларни таълимга жорий этишнинг аҳамияти мавзусида илмий тадқиқот ишини олиб боришни режалаштирияман.

Нурбек ҚИДИРАЛИЕВ,  
журналист





КИБЕРХАВФСИЗЛИК:

# ХАКЕРЛАРНИ ДОҒДА ҚОЛДИРУВЧИ УСУЛ

Бугунги кунда бутунжаҳон интернет тармоғи орқали тақдим этилаётган ажойиб бонуслар безътибор ва ишонувчан фойдаланувчилар учун ёмон оқибатлар келтириб чиқараётгани бор гап. Инсоният кашф этган барча техник инновацияларга қарамай, фирибгарлар гуруҳи ҳар доим ўзларининг ғаразли мақсадларини амалга ошириш пайида бўладилар. Мутахассислар фирибгарлардан огоҳлантириш ва ҳаётимизни мураккаблаштирадиган вазиятларга тушиб қолмаслик учун фойдаланувчиларга куйидаги тавсияларини берадилар.

**“Дастлаб хакерлар дастурий таъминотлардаги хатоликларни ўта тез ва бенуқсон тузата оладиган ёки ўз ишига профессионал ёндашадиган дастурчилар деб аталган”**

1. Компютерга номаълум USB флешка кўйишда эҳтиёт бўлинг. Бу нафақат компютерингизга вирус орқали зарар етказиши ёки хакерлик дастурини ўрнатиши, балки уни ички томондан ёкиб юбориши ҳам мумкин.
2. Икки босқичли аутентификация (текширув)ни созланг. Ушбу усул ўзида ҳимоянинг икки турини тақдим этади: сизнинг одатий паролнингиз ва телефон рақамига юборилган маълумот. Бу агар ҳатто паролнингиз хакерларга маълум бўлса ҳам ўзингизни ҳимоя қилишга ёрдам беради.
3. Электрон почтанинг турли оммавий тадбирлар, форумлар ёки ижтимоий тармоқларда қолдирувчи бўлсангиз, нуқта ўрнига

4. “DOT”, электрон почта манзили (“кучукча”) ўрнига эса “AT” ёзинг. Шу тарзда одатлаги почта кутусидан infoATgora-bbitDOTuz олишимиз мумкин. Бу спамдан қочишга ёрдам беради.
5. Болаларингиз суратларини, айниқса, мактабининг тўлиқ номи ва манзили сингалри батафсил маълумотларни ҳеч қачон ижтимоий тармоқлар орқали баҳам кўрманг. Чунки бу каби маълумотлар бола ўғрилари томонидан доимий кузатиб борилади.

6. Фирибгарлар расмий сайтлар орқали даъво қилинган тўловлар ҳақида хат ёзишга жуда уста. Аммо, бундай сохта мактубларни дарров илғаб олиш мумкин, чунки PayPal каби тўлов тизимлари доимо хатда “фойдаланувчи” бўлиб эмас, балки аниқ исми ва фамилия билан мурожаат қилади. Мабодро шахсий мурожаат бўлмаса — яхшиси хатни зудликда ўчириб ташланг.
7. Ҳеч қачон <http://> билан бошланадиган сайтларда махфий маълумотларни киритманг. Барча ишончли ва хавфсиз сайтлар фақат <https://>ALWAYS билан бошланади.
8. Электрон қурилмангиздаги дастурий таъминотни доимий аниқлаб туринг. Бу ўзингиз ва қурилмангизни вирус ва хакерлар ҳужумидан ҳимоя қилишнинг энг осон усули.
9. Айрим махфий саволлар пароллар учун жуда оддийлик қилади,

10. Банкوماتлар билан эҳтиёт бўлиш зарур. Агар рақамли панел тебранса, чоп этган рақамлари хира бўлса ёки рақамлари осон босилмаса, бошқа терминал қидирган бошқул.
11. Агар юкхонангиз очилиб қолгани ҳақида сизга сигнал берилса ёки машинангизнинг ўзи тўсатдан шунга кўрсатса, тўхташга шопилманг. Фавқулодда тўхташни фақат одамлар кўп жойда амалга оширинг, чунки сизни ўғирлаш, машинангизни эса олиб қочиш эҳтимоли бўлиши мумкин.
12. Веб-камерангиздан фойдаланмаётган вақтингизда уни ёпишқоқ ёрлик билан ёпиб қўйганингиз яхши.

**МАВЗУ ДОИРАСИДА:**

**Хакер** — бу янги авлод кишиси, таъбир жоиз бўлса, инсоният тадрижий тараққиётининг янги йўналишидир.

**Хакерлар.** Уларга турли муносабатда бўлинади, лекин кўпинча ҳурмат ёки ҳатто кўрқув билан. “...Х хакер йирик банклардан бирдан юз минг доллар ўғирлади”, “...Х хакер бир неча миллион долларга баҳоланадиган махфий ҳужжатларни ўзлаштириб олди”, “...Х хакерлар гуруҳи зарарланган тармоқ ёки компютерга кириш имконини берувчи янги вирус яратдилар ва интернет орқали тарқатишди” — бу каби барча шовшувли ишлар афсонавий хакерлар “фа-

олияти”га бевосита боғлиқ. Бундай ҳикоялардан нафақат болалар, балки хакерларнинг ўзлари ҳам чўчишади. Тўғри, улар барча нарсага қодир — фақат интернетда.

Хакер бўлишни, интернет билан яқиндан танишишни ким ҳам хоҳламайди дейсиз бутун. Компютердан чиқмасдан туриб катта миқдорда пул ишлаш ва машҳур бўлиш ёқимли албатта. Фақат бу масалада, таъкидлаш жоизки, хакерлик чегарасини аниқлаб олиш жуда муҳим. Хакерлар яхшилар ва ёмонларга бўлинади. Ёмон хакерлар одатда майда безорилик билан шу-

ғулланишади, яхши хакерлар учун эса хакерлик шунчаки касб — аввало яшаш тарзидир.

**Хакер** (инглиз тилида *hack* — чолмоқ) — фавқулодда ихтисослашган АТ-мутахассис, компютер тизимлари ишини чуқур англайдиган шахс. Дастлаб хакерлар дастурий таъминотлардаги хатоликларни ўта тез ва бенуқсон тузата оладиган ёки ўз ишига профессионал ёндашадиган дастурчилар деб аталган, кейинчалик бу профессионаллик “ёмон ишлар”га аралашиб қолгани боис “хакер” атамаси пайдо бўлган. Ҳозирда хакерлар кўпинча компютер бузғунчилари — крэкерлар

(инглизча *crack* — бузмоқ) билан аралаштирилади, “хакер” сўзининг бу тарзда ишлатилиши нотўғри. Хакерларнинг ўзи эса крэкерлар билан ҳеч қандай алоқалари йўқлигини таъкидлашади ва фойдаланувчиларга фақат унинг қаерда ва қандай ҳимояланишидаги бўшлиқлари ҳақида маълумот қолдиришади.

Масалан, Линус Торвалдс, Ричард Столлман, Ларри Уолл, Доналд Кнут, Бёрн Страуструп, Эрик Рэймонд ва бошқа дунё даражасидаги очиқ тизимлар яратувчилари хакерлар ҳисобланади. Россияда эса Крис Касперски хакерликнинг ёрқин мисолидир.

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

## ЖАМИЯТ

## MICROSOFT АСОСЧИЛАРИДАН БИРИ — ПОЛ АЛЛЕН ВАФОТ ЭТДИ

Сиэтлда (АҚШ, Вашингтон штати) Microsoft асосчиларидан бири Пол Аллен 65 ёшида вафот этди. Бу ҳақда у ташкил этган Vulcan инвестиция компанияси сайтида хабар берилди.


Аллен фаол инсон эди, атроф-муҳитни ҳимоя қилишга ҳисса қўшар, муסיқа тинглашни ёқтирар, санъат кишиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келаётгани.

Компания хабарига кўра, саратон хасталигидан азият

чекиб келган Пол Аллен 15 октябр куни оламдан ўтган.

Эслатиб ўтамиз, Пол Аллен ва Билл Гейтс биргаликда 1975 йили Microsoft компаниясига асос солишган. Саратонга чалинганидан кейин Аллен акцияларнинг катта қисmini сақлаб қолган ҳолда компанияни тарк этишга мажбур бўлганди.

## ФОТОТЕХНИКА



## ЭНГ ТЕЗ СУРАТГА ОЛУВЧИ КАМЕРА ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Дунёдаги энг тез суратга олувчи камера яратилди: бир сонияда 10 триллион кадр — илгари ҳеч бир қурилма бунни эллай олмаган. Бу ҳақда "Хайтек" хабар берди.

Тадқиқотчилар — Caltech ҳамда INRS муҳандислари тасвирга ишлов бериш янги техникасини яратиш учун фемтосекундли ва статик камералардан фойдаланишди.

— Фақат фемтосекундли камерадан фойдалансак, суратлар сифати яхши чиқмасди, шунинг учун статик тасвирга мўлжалланган яна бир камера қўшдик. Бу тандем бир сонияда ўн триллион кадр олишни таъминлади, суратлар сифати ўта юқори, — деди тадқиқотчилардан бири Лихун Ван.

Қурилма муаллифлари ишланма ёруғлик ва материя ўртасидаги ўта тез ўзаро таъсирларни ўрганаётган олимларга жуда қўл келишини таъкидлашмоқда.

Ўта тез рўй берувчи воқеаларни тута олувчи бу камера физика ва биологиянинг янги сирларини очиши мумкин. Тадқиқотчилар бу билан қаноатланиб қолшмоқчи эмас, энди улар 10 триллион/сония кадрдан юқорида чўққини кўзлашяпти.

## ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР

## INSTAGRAM ЖИДДИЙ ЎЗГАРИШИ МУМКИН

Instagram ижтимоий тармоғи ишлаб чиқувчилари суратларни қўриш учун янги усулни синаб кўришмоқда. Бу ҳақда TechCrunch портали хабар берди.



Маълумотларга кўра, иловада суратларни айлантириш ўрнига, экранга босиш орқали постларни ўзгартириш имконияти пайдо бўлди.

Нашрнинг таъкидлашича, ҳозирча янги имкониятдан баъзи фойдаланувчилар фақат Explored фойдаланиши мумкин.

Экспертларнинг қайд этишича, бир марта босиш билан фотосуратларни алмаштириш тасвирларни "қийин" ва кўпроқ вақтни талаб қилувчи айлантиришдан воз кечишга имкон беради. Бундан ташқари, дастур постдаги барча хабарларни битта экранда кўрсатиши мумкин.

## ХАВФСИЗЛИК

## ЭХТИЁТ БЎЛИНГ! ANDROIDДА ЯНГИ ХАВФЛИ ВИРУС ПАЙДО БЎЛДИ

Cisco компаниясининг киберхавфсизлик бўйича мутахассислари андроид амалий тизимига қаратилган хавфли вирусни аниқлашди. Бу ҳақда ташкилот сайтидаги блогда хабар берилди.

GPlay деб номланган бу вируснинг хавфи шундаки, хакерлар ҳақиқий Google Playнинг дизайнидан фойдаланишган... Вирус телефонга тушганини экранда янги пайдо бўлган Google Play Marketplace ёрлигидан билиб олиш қийинмас.

Зарарли дастур администратор ҳуқуқларидан фойдаланиб, кибержиноятчиларга қурилмани маляунаётган бўлса, тўлов маълумотлари ҳам хакерлар смартфонни блоклашлари,



хабарлар жўнатишлари, кимгадир кўнғироқ қилишлари мумкин. Агарда телефон хотирасида сақланаётган бўлса, тўлов маълумотлари ҳам хакерлар қўлига ўтиб кетади.

Мутахассислар айти пайта кибержиноятчилар ушбу вирусни фаол синовдан ўтказишгаётганини таъкидлашмоқда ва барчамизни эҳтиёткорликка чорлашмоқда.

## СМАРТФОНЛАР

## HUAWEI ЯНГИ МАТЕ 20 PRO СМАРТФОННИ ЧИҚАРДИ

Смартфоннинг учталиқ 40 МП, 20 МП ва 8 МП камераси бор. Сув остида ҳам суратга олиш имкони мавжуд.

Смартфон симсиз ҳамда тез зарядлаш имкониятига эга: ярим соат ичида қурилмани 70 фоизга қувватлаш мумкин. Аккумулятори сиғими — 4200 мАс.

Янги смартфон корпуси чанг ва намдан ҳимояга эга. Қурилмада бармоқлар излари сканери экранда жойлаштирилган.

Смартфоннинг қолган кўрсаткичлари куйидагича: 6,4 дюймли 1440x3120 пикселли AMOLED-дисплей, Kirin 980 процессори, 4 Гб.дан 8 Гб.гача тезкор хотира, 128 Гб.дан 512 Гб.гача ички хотира.



## ҚУВВАТ МАНБАИ

## DURACELL БАТАРЕЯЛАРИ ПАУЭРБАНККА АЙЛАНДИ

Батареялари билан машҳур Duracell компанияси пауэрбанклар ишлаб чиқаришни бошлади.

Duracellнинг пауэрбанклар туркуми учта моделда тақдим этилмоқда: 3350, 6700 ва 10 050 мАс сиғимли. Биринчиси AA форматда, қолган иккитаси PP3 форматда, яъни "Крона". Уччала батарея ҳам тезкор қувватланиш режимини қўллаб-қувватлайди ва смартфонларнинг қўшимча 24, 48 ва 72 соат ишлашини таъминлайди.

Барча батареяларда қувватни кўрсатиб турувчи 4 босқичли LED-индикатори мавжуд. Пауэрбанклар қизиб кетишдан, кучланишнинг ошиб кетишдан, ортиқча қувватланишдан ва қувватсизланиб қолишдан ҳимояланган, шунингдек, корпуси оловга чидамли қилиб ясалган. Ишлаб чиқарувчилар қурилмага уч йиллик кафолат беришмоқда.

Ҳозирча Duracell пауэрбанклари фақат Ҳиндистонда сотилмоқда, аммо тез орада бошқа мамлакатларда ҳам пайдо бўлади.

## АҚШ БУТУНЖАҲОН ПОЧТА ИТТИФОҚИДАН ЧИҚМОҚЧИ


АҚШ ҳукумати Бутунжаҳон почта иттифоқини тарк этмоқчи. The Hill нашрининг ёзишича, бунга Хитой ва бошқа мамлакатлардан келаётган почта учун тўловларнинг пасайтириб юборилгани сабаб қилиб келтирилган.

Оқ уй раҳбари Доналд Трампнинг фикрича, бундай сиёсат Америка почта инфратузилмаси зарарига ишлайди. Масалан, Пекиндан АҚШга почта жўнатиш қиймати Хитойнинг бошқа ҳудудларига жўнатишдан паст қилиб белгиланган.

Таъкидланишича, АҚШ шундан келиб чиқиб БПИ билан янги келишувга эриша олса, ўз қарорини ўзгартириши ҳам мумкин экан.



Саҳифани С.ТЕМИРОВ тайёрлади



**Россия жанубидаги Ингушетия Республикаси шундоқ ҳам нотинч бўлган Шимолий Кавказ минтақасидаги янги элдий марказига айланиб қолди – одамлар Ингушетия раҳбари Юнус-Бек Евкуров билан унинг чеченистонлик ҳамкасби Рамзан Қодиров 26 сентябрда имзолаган ер алмашиш бўйича битимдан норози бўлиб митинглар уюштиришмоқда.**

Қўлаб ингушлар энг сара ерни узоқ тоғ ерига алмаштириш номақбул эканини айтиб, республика раҳбарини битимга қўл қўйганликда ва халқ манфаатини ҳимоя қила олмаганликда айбламоқда. Норози бўлаётганлар ҳатто Евкуровнинг истеъфосини талаб қилишяпти. Шаҳар ҳокимияти намоийшчиларга 15 октябрга қалар ўтирган ҳолда намоийшни давом эттиришга рухсат берди. Аммо, улар намоийш муддатини яна ўн кунга узайтиришни талаб қилишди. Ҳокимият эса фақат икки кунга узайтиришга рози бўлди. Барибир намоийшчилар митингларни тўхтатиш ниятида эмас.

**Қанақа битим эди?**

Битимнинг мақсади икки республика ўртасидаги чегара баҳсига нукта қўйишдир. Совет Иттифоқи тарқаб кетгандан сўнг орадан бир йил ўтиб, 1992 йили Чечен-Ингуш Автоном Совет Социалистик Республикаси икки кита бўлинган эди. Ушандаёқ чегара билан боғлиқ можаролар бошланганди. Худуд алмашишга қаратилган ушбу битим икки республика ўртасида чегарани демаркация қилишга оид йирик битимнинг бир бўлагидир.

Ўтмишда ҳам чегара билан боғлиқ чалқашликларни аниқлаштириб олишга уринишлар бўлган. 1993 йили Ингушетия билан Чеченистоннинг ўша пайтдаги раҳбарлари Руслан Аушев

# ЕР АЛМАШУВ – ЕР ТАЛАШУВ



билан Жоҳар Дудаев чегарани демаркация қилиш бўйича келишувни имзолаган эди, аммо ўртадаги вазият тараққиланган қолаверди. Яна бир битимга 2000 йилларнинг бошида қўл қўйилди, бироқ унинг ижроси таъминланмади.

Энг сўнгги битимни Ингушетия парламенти 4 октябрда маъқуллади, бироқ баъзи депутатлар овозлар сохталаштирилганини илдоа қилиб чиқди. Республика Конституцион суди ҳам ер алмашиш бўйича битим асосий қонунга зид экани ҳақида қарор чиқарди.

**“Оғриқли масала”**

– Ингушлар ерни беришга оид ҳар қандай битимни “оғриқли масала”, деб билади, – дейди Грузиянинг Стратегик ва халқаро тадқиқотлар жамғар-

маси эксперти Александр Квахалзе. – Ингушетия 1992 йили талаш бўлган Пригородний туманини Шимолий Осетияга бой берди. Можарода тахминан 600 киши ҳалок бўлди, уларнинг аксарияти ингушлар эди.

Хўш, нега унда ингушлар раҳбари бунга рози бўлди? Хабар қилинишича, август ойида курувчилар Чеченистон хавфсизлик кучлари ҳимоясида Ингушетиянинг Сунжен туманига йўл қурган. Қурилиш жараёнида табиат қўриқхонасидаги ноёб дарахтлар кесилган, тупроқ қатламга зарар етган. Ингушетия чегарасидан 2 километр ичкаридаги Аршти қишлоғида Чеченистон чегарасини ўрнатишга уриниш бўлган.

2013 йили Чеченистон Ички ишлар вазирлигининг “қодировчилар” деб аталадиган 300 нафар махсус ас-

кари Ингушетия ҳокимият идоралари руҳсатсиз ўша ингуш қишлоғига кириб борган ва қишлоқ полиция кучлари билан тўқнашган эди. Афтидан “қодировчилар”нинг бу ҳатти-ҳаракатлари Ингушетия раҳбарларини чўчитиб қўйган кўринади. Шу сабабли улар вазият кескинлаштириш олдини олишга ҳаракат қилган. Евкуров сентябр ойи ўрталарида чегарадаги вазиятни “назорат остида” деб айтган эди.

**Битим Қодировни қониқтирадими?**

Экспертлар фикрича, Қодиров ўз таъсирини ҳам, Чеченистоннинг ҳудудини ҳам кенгайтиришга интилмоқда. Келгусида Доғистондан ҳам ер олишга уриниш бўлиши мумкин. Қодиров Доғистоннинг Новолак туманини ҳам тилга олиб келади, чунки у чеченлар бошқа жойга мажбуран кўчирилишидан олдин Чеченистонга қараган.

**Москва баҳсга аралашмайди**

Ингушетия расмийлари баҳсга Москва аралашиб, воситачи бўлишини истамоқда. 2012 йили Қодиров билан Евкуров икки республика ўртасидаги чегара масалаларини федерал даражада музокара қилишга рози бўлган эди. Аммо, Кремл баҳсга аралашмади. Россия президенти матбуот котиби Дмитрий Песков Кремл вазиятни диққат билан кузатаётганини айтди. Унинг фикрича, икки республика айна масала юзасидан ўзлари келишувга эришиши лозим.

## Туркменистон: “Чой дори ва илҳомдур”

Туркменистон соғлиқни сақлаш ва тиббиёт саноати вазирлиги мамлакат фуқароларига муржаат қилиб, президент Гурбангули Бердимухамедовнинг “Туркменистон доривор ўсимликлари” китобида қайд этилганидек, чой истеъмол қилишни тавсия қилди. Ушбу китобда худди наъма-так, ялпиз, мойчақ, қизилма ва бошқалар сингари чойнинг дориворлиги қайд этилган.

Гурбангули Бердимухамедов президент вазифасини бажариш билан бир қаторда, сўнгги ўн йилда ўзининг муаллифлигида 40дан ортиқ кит-



тоб, жумладан, мамлакат доривор ўсимликларига бағишланган 10 томлик китобни нашрдан чиқарди. Улар орасида “Чой дори ва илҳомдур”, деб номланган китоб ҳам бор. Давлатга қарашли медиа ва ОАВ мунтазам равишда бу китоблар бобларини ўқиб

эшиттиради. Туркман телевидениеси яқинда президентнинг иш куни борасидаги лавҳани намоийш қилди, унда томошбинларга президентнинг чойнақдан пиёлага чой қуйиб ичаётгани кўрсатилади.

Мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлиги президент тавсиясига кўра, аҳолига соғлом турмуш тарзи сифатида чой истеъмол қилиш тавсияси берилган махсус эслатмаларни эълон қилаётган бир пайтда мамлакатда доривор гиёҳлар етишмаслиги ва дориларнинг қимматлиги ҳақидаги хабарлар ҳам пайдо бўляпти.

## “Союз” ҳалокати ҳамкорликка ҳалал бермайғу

NASA директори Жим Брайденстайн Россиянинг фазо дастурини олқишлаб, ҳафта бошида “Союз” ракета-таси аварияга учраган бўлишига қарамасдан, декабр ойида режа бўйича “Союз” ракета-таси бортидан Халқаро фазо станциясига (ХФС) янги экипаж юборилишига ишонилишни билдириди. “Яна бир бор “Союз” ракета-тасида учинининга тўлиқ ишонаман. Айна дамда режалдан кечикамиз, деб ўйлашга ҳам асос йўқ”, – деди Москвадаги АҚШ элчихонасида мухбирлар билан суҳбатлаган Брайденстайн. У “Союз” лойиҳасининг бардошлилигини олқишлар экан, ҳалокатни АҚШ вице-президенти Майк Пенс билан муҳокама қилганини қўшимча қилди. Брайденстайн, шунингдек, махсус капсула ёрдамида омон қолган америкалик астронавт Хейт билан суҳбатлашганини, у яхши кайфиятда эканлигини, бундан ташқари, Россия ва АҚШ фазо агентликларини ўртасидаги алоқа мустақкам эканлигини ҳамда икки давлат фазо соҳасида ҳамкорликда кўпроқ натижага эришишини таъкидлади.



Эслаб ўтамиз, 11 октябр куни Қозғоғистондаги Бойқўнғир космодромида учирилган “Союз” ракета-таси старт чоғида аварияга учради. Ракета бортида ХФСга йўл олган “Роскосмос” космонавти Алексей Овчинини ва NASA астронавти Ник Хейтлар омон қолди. Россия фазо дастурини Совет Иттифоқи парчаланиб кетганидан бери бундай ҳалокат содир бўлмаган эди.

Саҳифани У.ЙҮЛДОШЕВ тайёрлади

## Эроннинг ҳарбийлашган қўшини АҚШ санкциясига тушмоқда

Ҳафта бошида АҚШ Молия вазирлиги Эроннинг “Басиж” ҳарбийлаштирилган гуруҳи ҳамда ушбу ташкилот билан молиявий алоқадор 20дан ортиқ компанияга нисбатан санкциялар жорий қилди. Эрон эса бу санкцияларни “қўр-қўрона ўч олиш” деб атади. “Американин янги санкциялари халқаро ва ҳуқуқий механизмларни оёқ ости қилишининг эркин белгиси ҳамда Америка ҳукуматининг Эрон халқидан кўр-қўрона ўч олиш натижасидир”, – деди ушбу мамлакат Ташқи ишлар вазирлиги матбуот котиби Баҳром Қосимий. У Вашингтоннинг халқаро ҳуқуқий механизмларни менсимаслигини нафақат Эрон халқи манфаатлари, балки жаҳон



барқарорлиги ва хавфсизлигига таҳдид деб атади.

АҚШ санкциясига тушган Эроннинг энг йирик “Муборакх” пўлат ишлаб чиқариш компанияси ўз инвестицияларига бунақа чоралар “янгилик”

эмаслигини ва ишига таъсир кўрсатмаслигини маълум қилди. Пўлат ишлаб чиқариш масалалари бўйича техронлик эксперт Мўжаба Ферейдуний санкциялар “Муборакх”га зиён етказиши, аммо унинг экспортини тўлиқ тўхтатиб қўя олмаслигини айтди. Унинг фикрича, пўлатини учинчи мамлакатлар орқали сотиш мумкин.

Жаҳон пўлат ишлаб чиқарувчилар уюшмаси маълумотига кўра, Эрон дунёда қуйма пўлати ишлаб чиқариш бўйича 10-ўринда туради. Ҳукумат март-сентябр ойларида 2,53 миллиард риёллик пўлат маҳсулотлари ишлаб чиқаришганини маълум қилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 53 фоиз кўпдир.

Марк ТВЕН  
(1835–1910; АҚШ)

Афтидан энг сўнги жумла халойиққа ўз таъсирини ўтказган бўлса керак, ўша куни кечаси ётган ўрнимдан ирғиб туриб орқа эшикдан қочишга тўғри келиб қолди.

(Давоми. Бошланғичи ўтган сонда.)


Энди мен худди тўшакнинг аллақериди гўё захарли илон яшириниб олган, деган шубҳа билан аёлни оҳиста кўтаргандек газетани очадиган бўлиб қолдим.

Кунларнинг бирида кўзим қуйидаги мақолага тушиб қолди:

“Бўхтончи фош этилди! – Файз-Пойнтлик Майкл О’Фланган, уотерстритлик мистер Кит Борнс билан мистер Жон Алленнинг қасам ичиб берган гувоҳлигига қараганда, муносиб номзодимиз Жон Т.Гофманнинг марҳум бобоси гўё катта йўлда қароқчилик қилгани учун осиб ўлдирилганлиги ҳақидаги мистер Твеннинг сурбетларча даъвоси ҳеч нима билан асосланмаган қабих бўхтон бўлиб чиқди. Айрим одамларнинг ўз сиёсий ютуғига эришиш йўлида исталган қабихона найранг ишлатиши, марҳумларни булғаш, уларнинг номига доғ тушириши ҳар бир виждонли кишини ғазаблантиради. Бу қабих бўхтон марҳумнинг ҳеч қандай гуноҳи бўлмаган қариндош-уруғлари ва дўстларига қанчалик озор етказганини ўйлаганинда таҳқирланган ва жаҳл отига минган халойиққа шу оннинг ўзида бўхтончини ур-қалтак қилишни маслаҳат бергинг келади. Айтгандек, буниси унчалик маъқул эмас! Виждонан азоб чексин! (Агар ғазабга тўлган ҳамшаҳарларимиз жаҳл устида уни мажруҳ қилиб қўйганлариди ҳам ҳар қандай суд маслаҳатчилари, ҳар қандай суд ҳам ур-қалтак иштирокчиларини айбламаган ва жазога ҳукм қилмаган бўларди.)”

## ГУБЕРНАТОРЛИККА САЙЛОВЛАР

Марк ТВЕН



(Ҳикоя)

олинган газета ўшандан бери номимни “Твен, Мақбаралар Мурдори” деб юрита бошлади.)

Орадан кўп ўтмай яна бир мақола эътиборимни жалб этиб қолди:

“Маъмур номзод! – Кеча кечқурун мустақиллар митингида ғазабли нутқ сўзламоқчи

Афтидан энг сўнги жумла халойиққа ўз таъсирини ўтказган бўлса керак, ўша куни кечаси ётган ўрнимдан ирғиб туриб орқа эшикдан қочишга тўғри келиб қолди. “Таҳқирланган ва жаҳл отига минган халойиқ” эса кўча эшикдан уйимга бостириб кириб дераза ва мебелларимни синдиришди, айрим буюмларимни ўғирлаб ҳам кетишди. Барибир, барча азиз-авлиёлар номини тилга олиб қасам ичиб айтаманки, мен ҳеч қачон мистер Гофманнинг бобосига тўхмат қилмаганман. Буниси етмагандек, унинг бор-йўқлигини билмаганман ва ҳеч қачон номини ҳам эшитмаганман.

(Дарвоқе, шунга айтиш керакки, юқориди тилга

бўлган мистер Марк Твен у ерга ўз вақтида етиб боролмади. Мистер Твеннинг врачидан олинган телеграммада уни йўлда олиб бораётган от уриб юборгани, икки жойи майиб бўлгани, у ниҳоят даражада азоб чекаётгани ва шу каби уйдирмалар ёзилган. Мустақиллар бу разил, сохта баҳонани рўқач қилиб ўзлари номзодликка сайлаган ўтакетган муттаҳамнинг келолмаганлиги сабабини гўё билмасликка оляптилар. Аммо кеча кечқурун ўлардай ғирт маст бир кимсанинг мистер Марк Твен истиқомат қилаётган меҳмонхонага эмаклаб кириб кетганини кўрган одамлар бор. Мустақиллар ҳар қандай

йўл билан ўша ҳайвон Марк Твен эмаслигини исботлашлари керак. Ниҳоят кўлга тушиди! Энди ҳар қанақа найранг ҳам унга ёрдам беролмайди. Бутун халқ баралла: “Бу қанақа одам? – деб сўраяпти”.

Кўзларимга ишонмай қолдим! Менинг номим шунчалик жирканч шубҳага олинганига ишонмайман! Уч йилдан бери оғзимга на пиво, на вино, умуман, ҳеч қандай спиртли ичимлик олмаганман.

(Афтидан вақт ўтиши билан буларга кўника бошладим, чунки шу газетанинг навбатдаги сониди ўзимнинг сайлов кампанияси охиригача қоладиган “Мистер Твен, ароққўр”, деган янги лақабимни унчалик куюнмай ўқидим.)

Ўша кунлари менга жуда кўп имзосиз хатлар келиб турди. Одатда бундай хатларнинг мазмуни қуйидагича эди: “Сизнигиқа садақ сўраб қелган қашшоқ кампирни тепиб ҳайдаганингни сабабини қандай тушунтириб берасиз?”

Ёки: “Сизнинг айрим найрангларингиз ҳозирча фақат менгагина маълум.

Сизга бир неча долларга сахийлик қилишга тўғри келади, ач ҳолда газеталар сизнинг содиқ қулигингиздан кўп нарсаларни билиб олиши мумкин деб,

Хэнди Энди”.  
(Давоми бор.)

Русчадан Абдуворис АБДУМАЖИДОВ таржимаси

### ҚИСҚА ҲИКОЯЛАР

## БИЗГА ЎХШАБ – БИЗДАН БЎЛМАГАН

Бобокалонларимиз китоб топишга қийналар эдилар: ҳозир эса биз китоб танлашга қийналамиз. Мутолаа учун жуда зийрак бўлмоқ керак.

ЛЕББОК

Бўри ўсиб келаётган боласига ҳаётни ўргатиш учун бир тепаликка олиб чиқди. Пастда ўтлаб юрган қўйлар сурувини кўрсатиб тушунтира кетди:

– Қара болам, шу кўраётганларинг қўйлардир. Гўшти жуда лаззатли, тутиш ҳам осон.

Бола бўри чўпонни кўрсатиб унинг ким экани ва нима қилишини сўради.

Бўри, боласига чўпондан узоқ туришини, қўлидаги таёғи жуда ёмон оғритишини қаттиқ таъкидлади.

Кўёшли, илик кунларнинг бири эди.

Аёл хиёбонда ёнида ўтирган кишига:

– Ҳов ана... Қизил свитер кийган, арғимчоқда учаётган менинг ўғлим, – деди.

Ҳалиги одам ним табассум билан:

– Ёқимтойгина экан, – деди ва – нариги арғимчоқда учаётган мовий свитерли бола эса мени ўғлим, – деб соатига қаради.

– Ўғлим, менимча, энди кетиш вақти бўлди, юрақол, – деб ўғлини чақирди.

Бола арғимчоқ уча-уча жавоб берди:

– Далажон, яна беш дақиқа,

Шу пайт бола бўрининг диққатини сурувнинг ити тортиди.

– Қўйлар орасида бизга ўхшаган жонзот бор экан, у нима қилади?

Бўри чуқур ўх тортиб, деди:

– Оҳ болам, аслида бизни энг кўп хафа қиладиган мана шудир, бизга ўхшаб – биздан бўлмаган!

Туркчадан Марям ОСИЁ таржимаси

## ЯНА БЕШ ДАҚИҚА

хўп, яна беш дақиқа ўйнай қолай, – деб даласига эътироз бидирди.

Ҳалиги киши майли дегандек боши билан ишора қилгач, бола хурсанд бўлганча арғимчоқ учийда давом этди.

Бир қанча вақт ўтгач одам яна ўғлини чақирди:

– Ўғлим, балки кетармиз-а, нима дейсан?

Бола яна кетишни истамайгина:

– Йўқ деманг далажон, яна беш дақиқа ўйнай қолай? – дегач, отаси майли деб розилик бериши билан бола қиқир-қиқир кулганча яна арғимчоқда учийда давом этди.

Уларни кузатиб турган аёл ҳам қизқиниб деди:

– Жуда ҳам сабрли ота экансиз.

Ҳалиги одам кулиб қўйиб:

– Хоним, бу сабрдан эмас, – деди. – Катта ўғлим ўтган йили шу ерга яқин жойда велосипед ҳайдаб юрганда маст бир киши машинасида уриб юборди. Ўшанда унга кўп вақт ажрата олмаганимга афсусланган эдим. Ҳозир у тирик бўлганида у билан яна беш дақиқа бирга бўлиш учун қўлимдан келганини қилган бўлар эдим... Ўша вақт ўз-ўзимга сўз берган эдим, кичик ўғлим билан бу хатони такрорламайман...

Туркчадан Фотима АЛИЙ таржимаси



## АЖДОДЛАРДАН МЕРОС ЁДГОРЛИКЛАР

Яқинда “Электромагнит мослашув маркази” давлат унитар корхонасининг бир гуруҳ ходимлари қадимий Хива шаҳрини зиёрат қилишди.

Зиёрат давомида Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Исломоҳўжа минораси, ўша пайтлари бир вақтнинг ўзида 500дан зиёд намозном жойлашган Жума масжиди, Хоразм подшоҳининг танга пуллар зарб этилган корхонаси каби бир қатор тарихий биноларни кўриб, улардан

катта таассурот олишди.

XX аср бошларида Хива хони Ифандиёрхоннинг вазири Исломоҳўжа томонидан тиббиёт ва почта алоқаси жиҳозлари, электр станцияси хориждан олиб келингани ҳамда Исломоҳўжа минораси билан Жума масжиди орасида ўрнатилган қисқа тўлқинли антенна орқали ўрта Осиёда биринчи марта Тошкент шаҳри билан радио алоқаси ўрнатилганини билдириб, беҳад қувонди.

— Аждодларимиз қолдирган буюқ тарихий мерос халқимиз ўтмишида ҳам билимли ва заковатли бўлганлигидан далолат беради, — дейди корхона ҳисобчиси Дилфуза Тўйчиева.

Бундай саёхатларнинг ташкил этилиши корхона ходимларини меҳнатда янада юксак ютуқларга эришишга ундайди.

**Абдуғафур ҲОТАМОВ,**  
“Хабар”нинг Самарқанд вилоятидаги мухбири

## ДЎСТЛАР КЛУБИ

### НАТИЖАЛАР СЕЗИЛАРЛИ

Театрлар томошабинларни мушоҳадага қорлаши, спектаклдаги воқеалар жараёни орқали инсонлар қалбига яхшилик, эзгулик уруғини екиши, уларга ҳаётнинг ҳар бир лаҳзаси қадрига етиб яшаш лозимлигини ўқитиши билан фойда аҳамиятлидир.

Ана шундай ибрат мактабларидан бирини қўлаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театри ўртасида “Дўстлар клуби” тузилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Ўтган қисқа давр мобайнида вазириликнинг 2017-2018 йилларга мўлжалланган истиқболли иш режасига асосан амалга оширилган ишлар натижаси бугунги кунда кўзга кўриниб қолди.

— Театримиз жамоаси бизни иқтисодий жиҳатдан қўлаб-қувватлаётган Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги мутасаддиларидан беҳад миннатдорлар, — дейди театр директори Зулфия Ҳамроева, — Ўтган давр мобайнида театримиз ташқи кўриниши (фасали) таъмирланди ва унинг фойеси, актёрлар гримхонаси, музейи реконструкция қилиниб, янгиланди.

Шунингдек, болажонларга атаб, Янги

йил байрамига тайёрланаётган “Аловуддиннинг сеҳри шамчироғи” спектакли учун 20 миллион сўм пул ажратилди.

Театр олдида катта электрон реклама монитори ўрнатилди ҳамда Epson фирмасининг маҳсулоти бўлган проектор олиб берилди. Театрни ахборот технологиялари билан тўдиқ таъминлаш мақсадида Yamaha фирмаси маҳсулоти бўлган овоз-музыка учун пулт, бта янги компьютер сотиб олинди. Театримиз жамоасининг хорижий сафарга бориб келишлари учун йўл харажатларининг таъминланиши биз учун айна муддао бўлди. Кўрсатилган молдий кўмакдан фойдаланиб, артистларимиз Токио, Лондон, Тбилиси ва Боку каби дунёга машҳур шаҳарларда бўлиб, ўша юртлардаги актёрлар билан тажриба алмашдилар, театримизга янги куч, ўзгача иштиёқ билан қайтдилар.

Ҳозирда театрнинг иситиш тизимини тубдан янгилаш бўйича ишлар олиб бориляпти.

Ҳа, эзгулик эзгуликка йўл очади. Вазирлик билан театр жамоаси ўртасидаги дўстлик давом этар экан, янада кўплаб ишлар амалга оширилаверади.

**Муборак МИРКАМОЛОВА**



ПАРАОСИЁ ЎЙИНЛАРИ

### МЕДАЛЛАР СИФАТИ БЎЙИЧА ҲАМ, СОНИ БЎЙИЧА ҲАМ РЕКОРД ЯНГИЛАНДИ

Индонезия пойтахти Жакарта шаҳрида 6-13 октябр кунлари III Параосиё ўйинлари бўлиб ўтди. Мусобақаларда ўзбекистонлик спортчилар ҳар қачонгидан ҳам муваффақиятли иштирок этишди.

Параосиё ўйинларида ҳамюртларимиз томонидан 77та медал, жумладан, 35та олтин, 24та кумуш ва 18та бронза медаллари қўлга киритилди. Бу орқали Ўзбекистон Параосиё ўйинларида медаллар сифати бўйича ҳам, сони бўйича ҳам ўз рекордини янгиледи.

## ШАХМАТ

### ЖАВОҲИР СИНДАРОВ ЖАҲОННИНГ ЭНГ ЁШ ХАЛҚАРО ГРОССМЕЙСТЕРИДАН БИРИГА АЙЛАНДИ

15 октябр куни Венгрия пойтахтидан хушхабар келди. Булапешт шаҳрида бўлиб ўтган “First Saturday GM” халқаро турнирида иккинчи раундда иштирок этган Жавоҳир Синдаров муваффақиятли иштирок этиб, учинчи гроссмейстерлик талабини бажарди ва 12 ёшида жаҳоннинг энг ёш халқаро гроссмейстеридан бирига айланди.

Бундан бир йил олдин Жавоҳир халқаро шахмат устаси унвонига сазовор бўлиб, Президентимизнинг қимматли совғаларини қўлга киритганди.

Ўтган бир йил ичида Жавоҳир ўз устида тинимсиз ишлаб, жорий йил июн ойида “Воронеж опен-2018” халқаро мусобақасида биринчи, сентябр ойида Туркияда ўтказилган 20 ёшгача ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида иккинчи гроссмейстерлик талабини бажарганди.

Шуниси қувонарлики, Жавоҳир 12 ёш 10 ой 8 кунда гроссмейстерлик унвонини қўлга киритиб, жаҳон шахмати тарихида С.Карьякиндан (12 ёш 7 ой) кейин иккинчи, шахмат ватани бўлмиш Осиёда эса биринчи — энг ёш шахматчи сифатида ўз номини тарих йилномаларига муҳраб қўйди.

## БОКС

### УЛУҒБЕК СОБИРОВ МАЛАЙЗИЯДА ЖАНГ ЎТКАЗАДИ

Профессионал фаолиятини мағлубиятсиз давом эттираётган боксчимиз Улуғбек Собиров 21 октябр куни Малайзияда ўзининг навбатдаги жангини ўтказди.

Ҳамюртчимизнинг ушбу баҳсдаги рақиб — индонезиялик Стив Фердинандус. Маълумот учун, Улуғбек профессионал фаолияти давомида 8та жанг ўтказиб, уларнинг барчасида галаба қозонган. Бешта жангни муддатидан олдин ўз фойдасига ҳал қилган. Фердинандус эса 44 мартаба рингга чиқиб, уларнинг 27тасида ғолиб бўлган (14таси нокаут билан), 16та жангга мағлубиятга учраган бўлса, яна битта баҳсда дурангга эришган.

## ТАЭКВОНДО

### СПОРТЧИЛАРИМИЗ МАНЧЕСТЕРДАГИ ГРАН-ПРИГА ЙЎЛ ОЛИШДИ

Англиянинг Манчестер шаҳрида 19-21 октябр кунлари таэквондо (WTF) бўйича нуфузли Гран-при турнири бўлиб ўтади.

Ушбу мусобақада ўзбекистонлик спортчилар ҳам иштирок этадилар.

Терма жамоамиз Гран-прида қуйидаги таркибда қатнашади:

-80 кг: Максим Рафалович  
-80 кг: Никита Рафалович  
+80 кг: Дмитрий Шокин  
-67 кг: Нигора Турсункулова.  
Мураббий: Акмал Эргашев.



## ЭЪЛОН!

Тошкент шаҳар, Учтепа туманидаги 78-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1987 йилда Гулнара Абдуллаева Нарходжасва номига берилган 312463 рақамли шаходатнома (аттестат) йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

## Ўтганларнинг охири оёб бўлсин

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси жамоаси Тошкент Радиотелеузастиш маркази Гулистон РТС раҳбари Илҳом Нишонбоевга отаси **Ғулом НИШОНБОЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

“Электромагнит мослашув маркази” жамоаси Сирдарё вилояти ЭММХ бошлиғи Илҳомбой Ходжаниязовга волидан муҳтарамаси **Саодат она ХОДЖАНИЯЗОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.



# ЁНҒОҚ ЕНГ, ГҲШТ УРНИНИ БОСАДИ

Куз кўплаб мевалар, жумладан, ёнғоқларнинг ҳам гарқ пишган пайти. Парҳезшуносларнинг айтишига қараганда, ёнғоқ, ҳатто гўшт ўрнини босиши мумкин. Ёнғоқлар таркибида 50-70 фоиз мой, 20 фоиз атрофида оқсил, аз бўлса-да, углевод ва тўқималар мавжуд. Шунинг билан бирга, ундаги оқсиллар инсондаги протени тузилмаларига жуда яқин, аминокислота миқдори эса товۇқ тухумидагига қараганда кўп бўлиб, яхши ҳазм бўлади. Ёнғоқлар таркибига кирувчи мой юрак-қон томир тизими, тери ва сочлар мустаҳкамлигини таъминловчи енгил ёғ кислоталарини етказиб берадиган кучли воситадир. Умуман гўшт истеъмол қилмайдиган вегетарианлар учун ёнғоқлар гўшт ўрнини ҳам босади.

Ёнғоқлар катта ҳажидаги калорияга эга. Масалан, 100 грамм ёнғоқ киши организмига 700 калорияга қадар озуқа беради. Бу эса ўз қоматини ушлаб туришга ҳаракат қилаётган аёлнинг ярим кунлик рационининг ташкил этади. Ёнғоқлар қуйидаги турлардан иборат:

## ЁНҒОҚ

У жуда фойдали бўлиб, халқ табобатида кенг қўлланилади. Унинг дориворлик хусусияти ҳақида Гиппократ ҳам айтиб ўтган. Цитрус меваларига қараганда, С витамини ёнғоқда кўп бўлиб, улардан 5 донасини еган киши 1 кунлик таом нормасининг кучини олади. Йод моддасининг юқорилиги боис ёнғоқни бўқоққа қарши истеъмол қилиш тавсия қилинади. Гормонал фоннинг доимийлигини таъминлаш учун ва мастопатия каби касалликка мойил аёлларга ёнғоқ ейиш тавсия қилинади.

Унинг 100 грамида: 18 фоиз оқсил, 48 фоиз мой ва 5,8 фоиз углеводлар бор. Энергетик қиймати 400 калорияни ташкил этади.



Кедр ёнғоғи С витаминига у қадар бой эмас. Лекин, шунга қарамай, у саломатлик учун жуда зарур, ҳатто терапевтик хусусиятга эгадир. Ёнғоқ таркибидagi оқсиллар жуда метъерида бўлиб, энг парҳезланган гўшт, тухум ва сут оқсилларига қараганда тезроқ ўзлашиб кетади. Бу ёнғоқдаги аминокислоталарнинг ҳажми юқори эканлиги билан боғлиқ. Кедр ёнғоғида

## КЕДР ЁНҒОҒИ



рида кучли антиоксидант бўлган Е — гузаллик витамини бошқаларга қараганда юқорироқдир. Шунингдек, улар бириккан ҳолда

асаб фаолиятининг нормаллашувида ва қон, тери сифатини оширишда муҳим аҳамият касб этувчи В гуруҳидаги витаминлар ва Omega 3, Omega 6 ва Omega 9 ёғ кислоталарига жуда бой. Кедр ёнғоғи нафақат тотли озуқа, балки табиий доривор ҳамдир. Унинг 100 грамида 24 фоиз оқсил, 50,7 фоиз мой, 13,6 фоиз углевод бор. Энергетик қиймати 640 калория.

## ЕРЁНҒОҚ

Унинг фойдали ва зарарли хусусиятлари ҳақида парҳезшунослар ҳамон баҳслашмоқдалар. Бир томондан у хушхўр ва оқсил, мой, углевод ҳажмининг мутаносиблиги сабаб, ортиқча семиришга олиб келмайди. Бошқа томондан у жуда оғир ҳазм бўлиб, кўп ҳолларда аллергия симптомларини келтириб чиқариши мумкин. Шунга кўра, шифокорлар уларни истеъмол қилишдан тийилмоқни маслаҳат қиладилар.



“**Кедр ёнғоғи Omega 3, Omega 6 ва Omega 9 ёғ кислоталарига жуда бой.**”

## ОБУНА-2019

Хурматли муштарийлар!  
**“Xabar”га 2019 йил учун обуна бошланди!**  
 Газетага “Ўзбекистон почтаси” АЖ алоқа бўлимлари, “Матбуот тарқатувчи” АК матбуот дўконларида обуна бўлишингиз мумкин!

Обуна индекси — **228**

## Xabar

### МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи: Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

### ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Шухрат СОДИҚОВ (Ҳайъат раиси), Шухрат ҚОДИРОВ, Евгений БИРГЕР, Тўлқин ТЕШАБОВЕВ, Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлигини мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади. Баҳоси келишилган нарҳда.

### МАНЗИЛИМИЗ:

100105, Тошкент, Толлимаржон кўчаси, 6-уй.  
 Тел.: 291-43-92, 291-43-28, 291-43-61, 291-43-78  
 Факс: 291-43-70. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҲРИЕВ. Навбатчи: Муборак МИРКАМОЛОВА.

ISSN 2010-6424



Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг жума кунини чиққди

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
 Манзил: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

G-1043 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қўғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табақ. Адади: 2843 нусха.

### ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиши вақти — 24.00.

Вилоят муҳбирлари:	Андижонда 226-47-80	Бухорода (0365)600-87-21	Жиззахда (94) 199-95-64	Наманганда (91) 353-71-25	Навоийда 225-91-10	Нукусда 554-35-45	Самарқандда (91)557-84-44	Термизда (91)235-88-68	Тошкентда 291-43-28	Ургачда (97) 211-65-05	Фарғонада 244-18-05	Қаршида (93)931-08-99
--------------------	---------------------	--------------------------	-------------------------	---------------------------	--------------------	-------------------	---------------------------	------------------------	---------------------	------------------------	---------------------	-----------------------